# ТАНТАНА

# ТИНЧЛИГИМИЗ, ОСОЙИШТА ҲАЁТИМИЗ КАФОЛАТИ

## («Ватан ҳимоячилари куни» умумхалқ байрами ва Қуролли Кучларнинг 17 йиллиги муносабати билан «Туркистон» саройида бўлиб ўтган тантанадан репортаж)

Юртим узра байрам шукуҳи. Кўнгилларда байрам, юракларда байрам. Эрта билан ҳарбий парад либосини кияётган отага ўғли ҳавас-ла қарайди. Отасининг кўксини безаб турган медаль ва нишонлар кўзини қувнатади. Фуражкани кийиб, болакай кўзгуга қарайди. Қўлини қулоғи устига олиб бориб, отасига тақлидан ҳарбийча салом берган бўлади. Бу болаларча ҳавас, қизиқиш эртага ранг олиб, фарзанд қалбида улкан туйғуларни шакллантиради.

Жажжи қалбда куртак отаётган бу туйғуни асраб-авайлаш, «парваришлаш»имиз лозим. Негаки бора-бора улар қалб гавҳари бўлган улкан бир туйғуга – халққа, Ватанга бўлган муҳаббатга айланади. Бу муҳаббат Ватан иқболи, истиқболи йўлида бизни эзгу ишларга руҳлантиради, йўналтиради.

Бугун профессионал асосда шаклланаётган, фахримиз, ғуруримизга айланган миллий армиямизни ватанпарварликнинг ўзига хос мактаби дейишимиз мумкин. Она юрт посбонларини буюк аждодларимиз Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби жасур, мард, бир сўз билан айтганда, муносиб ворислар, она Ватаннинг ҳақиқий ҳимоячилари этиб тарбиялашимиз йўлидаги устувор мақсадларимиз бугун ўз самарасини бермоқда.

Қуролли Кучларимизни ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган Дастурга мувофиқ амалга оширилган, кўлами ва моҳиятига кўра улкан ишларимиз барча замонавий талабларга жавоб берадиган миллий армияни шакллантириш ва бошқаришнинг сифат жиҳатидан мутлақо янги тизимига ўтишга имкон берди. Янги ташкилий-штат тузилмаси қабул қилинди, қисқа вақт ичида ҳарбий округлар, чегара ҳудудлари ва махсус операцияларга ихтисослаштирилган қисмлар ташкил этилди, Қуролли Кучлар Бирлашган штаби раҳбарлигидаги жанговар тайёргарлик ва тезкор-стратегик режалаштириш тизими қайта кўриб чиқилди.

Муддатли ҳарбий хизмат бир йилгача қисқартирилди, сафарбарлик-чақирув резерв хизмати жорий этилди ва муваффақиятли ривожланиб бормоқда. Қўшинларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий қурол-аслаҳалар билан таъминлаш, ҳарбий хизматчиларнинг социал ва маиший турар-жой шароитларини яхшилаш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Миллий армиямизни бундайин босқичма-босқич ва тизимли равишда шакллантиришда аввало мамлакатимизнинг минтақада ва ҳозирги дунёда тутган геостратегик ва геосиёсий ўрнини, хавфсизлигимизга қарши қаратилган жиддий ички ва ташқи таҳдид ва хатарларни, айниқса, кучайиб ва фаоллашиб бораётган халқаро террорчилик, экстремизм, тобора кўлами кенгайиб бораётган наркоагрессия, оммавий қирғин қуролларининг тарқалиши каби бало-қазоларни ҳисобга олган ҳолда иш тутилди.

Бугунги кунда тўла ишонч билан айтиш мумкинки, армиямиз жаҳон ҳарбий қурилишининг энг илғор тажрибаларини ўзида мужассам этган бўлиб, айни пайтда миллий жанговар анъаналаримизни юксак садоқат билан давом эттирмоқда, шу билан бирга, минтақамизда рўй бериш эҳтимоли мавжуд бўлган ҳарбий ҳаракатлар ва жанговар амалиётлар ҳам ҳар томонлама эътиборга олинмоқда.

Ислоҳотларнинг энг муҳим амалий натижасини армиядаги ахлоқий-руҳий, маънавий муҳитнинг бутунлай янгиланганида, жамиятимизда армияга ва ҳарбий хизматга нисбатан ёндашув ва қарашлар бутунлай ўзгарганида кўриш мумкин.

Бундайин ютуқлар Ўзбекистон тараққиёти, истиқболи йўлида қалби уйғоқ ҳар бир инсонни фахрлантиради. Ватан ҳимоячилари куни барчамизнинг байрамимиз, барчамизнинг тантанамизга айланиб бораётгани замирида бу фахрни, ифтихорни янада теран ҳис қилиш мумкин.

Халқимизнинг тинчлиги ва осойишталиги, сарҳадларимиз дахлсизлигининг мустаҳкам қалқони бўла оладиган, ҳар жиҳатдан қудратли, қурол-яроғ ва маҳорат бобида ҳеч кимдан кам бўлмаган Қуролли Кучларга эга эканлигимиздан ғурурланмай бўларқанми?!.

Муҳташам Туркистон саройига миллий армиямизнинг 17 йиллик тўйини нишонлаш учун келган кенг жамоатчиликни, улар кўзларида, юзларидаги байрам руҳини, байрам шукуҳини кўриб, кўнгилдан шу фикрлар кечади.

Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тантанани Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев кириш сўзи билан очди. Президентимиз – Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари ҳар йили «Ватан ҳимоячилари куни» муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида Фармонга имзо чекадилар. Таъкидлаш лозимки, бу – Президентимизнинг, давлатимиз раҳбариятининг Ватан ҳимоячиларига, уларнинг шарафли ва масъулиятли хизматларига юксак эътиборидандир.

Тантанада Мудофаа вазири Қ.Бердиев, Ички ишлар вазири Б.Матлюбов, Миллий хавфсизлик хизмати раиси Р.Иноятовлар юксак давлат мукофотларини ўз соҳибларига топширишди.

Аскар онаси Малика Валиева, офицер Мадат Эгамов, кичик сержант Валижон Турдиевлар сўзга чиқиб, байрам билан барчани қутлашди.

Президентимиз ташаббуси билан Қуролли Кучларимизда «Энг илғор мутахассис» танловига асос солиниб, бугун у зўр анъанага айланганини, мазмун-моҳияти бойиб бораётганини яхши биламиз. Масалан, ортда қолган ўқув йилидан эътиборан номинациялар сони «Энг илғор қўшилма командири» ҳисобига ортди.

Ҳар йили Ватан ҳимоячилари кунида танловнинг ғолиб ва совриндорлари тақдирланади. «Энг илғор мутахассис» танлови қудратимиз, ҳарбий маҳоратимизни оширишга хизмат қилиб, жанговар шайлиги юксак асл мардларни, профессионалларни кашф этмоқда. «Энг илғор сержант», «Энг илғор гуруҳ командири», «Энг илғор взвод командири», «Энг илғор батальон командири», «Энг илғор қўшилма командири» номинациялари бўйича ғолибларга Мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари – Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғи генерал-майор А. Косьяненко диплом ва қимматбаҳо совғалар топширди.

Маълумки, Қуролли Кучларимизда энг илғор қўшилма, Сержантлар тайёрлаш мактабини, олий ҳарбий билим юртини аниқлаш бўйича ўтказилаётган танловларнинг ҳарбий хизматчиларимизнинг касбий малакасини, жанговар шайлигини оширишдаги ўрни беқиёс бўлмоқда. Ислоҳотларимиз самараси бўлган бундайин танловлар армиямиз сафларидаги ўғлонларимизнинг замонавий ҳарбий техника ва технологияларни пухта эгаллашлари, юксак ақл-заковат, интеллектуал салоҳият соҳиблари бўлишлари, халқига, Президентига садоқат туйғулари қалбларида янада аланга олишида устувор аҳамият касб этаётганини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Номинациялар бўйича ғолиблар эълон қилиниб, кўчма кубок топширилди.

Тантанада Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Санъат усталари томонидан тақдим этилган дастур байрам тантанасига ўзгача шукуҳ бағишлади.

**Майор Алижон САФАРОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбари.**







# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

# Ф А Р М О Н И

## ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Мамлакатимизнинг мудофаа салоҳиятини янада юксалтириш, ёшларни миллий ғоя ва она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун фахрий унвон берилсин:**

### "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АЛОҚА ХОДИМИ"

**ГУБАНОВ Виктор Михайлович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими.

**Мамлакатимиз сарҳадлари дахлсизлигини ва миллий хавфсизликни таъминлаш, халқимизнинг осойишталигини муҳофаза этиш ҳамда хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик ва фидойилик намунасини кўрсатгани, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати, юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:**

### "ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН" ОРДЕНИ БИЛАН

**АҲМЕДОВ Бахтиёр Қосимович** – Ўзбекистон Республикаси ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва ҳарбий ҳаво кучлари бригадаси командири

**ҲАЙДАРОВ Аброр** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий техника билим юрти ўқув бўлимининг бошлиғи.

### "МЕҲНАТ ШУҲРАТИ" ОРДЕНИ БИЛАН

**АЛЛАМУРОДОВ Сайфидин Бердишович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Андижон вилояти божхона бошқармаси бошлиғи

**ЖЎРАБЕКОВ Умарбек Сотиволдиевич** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий техника билим юрти кафедрасининг бошлиғи

**САРИМСОҚОВ Маҳмуджон Тўхтасинович** – Чирчиқ олий танкчи қўмондонлик - муҳандислик билим юртининг кафедра бошлиғи

**ЮРКЕВСКИЙ Константин Эдуардович** – Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг кафедра бошлиғи.

### II ДАРАЖАЛИ "ШОН-ШАРАФ" ОРДЕНИ БИЛАН

**АТАХАНОВ Шуҳрат Матякубович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**ҒАНИЕВ Шуҳрат Абдулхаевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг командири

**ҚУВАТОВ Зафар Ўроқович** – Қарши шаҳар ички ишлар бўлимининг катта ёнғин ўчирувчиси

**НАБИЕВ Суҳбат Абдусаломович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳининг секция командири

**ТУРСУНОВ Паҳлавон Ёрқинович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳининг катта сапёри

**Турсунов Раҳматулла Суннатович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг взвод командири

**ФАЙЗИЕВ Бахтиёр Алимович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси бўлимининг бошлиғи

**ЮСУПОВ Равшан Собирович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими.

### "ДЎСТЛИК" ОРДЕНИ БИЛАН

**АБДИНАБИЕВ Шавкат Озодбекович** – Ўзбекистон Республикаси ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва ҳарбий ҳаво кучлари бригадасининг авиация эскадрильяси командири

**АЙНАҚУЛОВ Иброҳим Тожибоевич** – Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти кафедрасининг катта ўқитувчиси

**ДЖАКБАРОВ Қодиржон Аминжонович** – Фарғона вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи

**ЖАЛОЛОВ Алижон Ғоибназарович** – Тошкент ахборот технологиялари университети Махсус факультетининг кафедра бошлиғи

**ҚАЮМОВ Файзулла Абдулҳайевич** – Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судининг судьяси

**МИРФАЙЗИЕВ Анвар Ҳамидович** – Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг кафедра бошлиғи

**ПОПКО Николай Иванович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

### "ЖАСОРАТ" МЕДАЛИ БИЛАН

**АБДУВАҲОБОВ Абдусаид Абдувалиевич** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**АБДУЛЛАЕВ Ихтиёр Баҳодирович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари взводининг мутахассиси

**АБДУЛЛАЕВ Хислатхон Уйғунович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**АБДУСАФОЕВ Неъматжон Абдухафизович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг взвод командири

**АВАЗОВ Санжар Раҳмонович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**АНДАҚУЛОВ Ўткир Абдумаликович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригада командирининг ўринбосари

**АҲМЕДОВ Умиджон Турсунович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**БОЗОРОВ Маҳмуд Ражабович** – Бухоро шаҳар ички ишлар бўлимининг катта ёнғин ўчирувчиси

**ДИВОНОВ Озодбек Улуғбекович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг командири

**КАМОЛОВ Амиршод Облоевич** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари гуруҳининг мутахассиси

**ҚОДИРОВ Асроржон Солижонович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг взвод командири

**МАТСАПОЕВ Улуғбек Бекпўлатович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари гуруҳининг мутахассиси

**МИРЗАЕВ Бобиржон Тоҳиржонович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**НЕБИЕВ Дилявер Решатович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**ПАРДАБОЕВ Муродулла Норбекович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳининг мутахассиси

**РАҲМОНОВ Қутлуғжон Абдуманонович** (марҳум ) – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари гуруҳининг мутахассиси

**РАҲМОНОВ Мурoджон Юлдашевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округининг хизмат бошлиғи

**РАҲМАТОВ Рустамжон Норқулович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**РАҲМАТУЛЛАЕВ Улуғбек Азратқулович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг бўлим бошлиғи

**РАҲМОНОВ Илҳом Эргашевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги взводининг мутахассиси

**РАҲМОНОВ Самариддин Суюнович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари гуруҳининг мутахассиси

**САЙИТОВ Мизроб Чориевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳининг мутахассиси

**ТОЖИБОЕВ Тоҳиржон Пўлатович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**ТОХТИМАМЕТОВ Фаррух Маҳмудович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**ТОШПЎЛАТОВ Баҳром Мухторович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисмининг қоровул бошлиғи

**ТЎРАЕВ Садулла Бобожонович** – Шимоли-ғарбий ҳарбий округ ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси

**ТУРДИЕВ Валижон Саидович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари гуруҳининг командири

**ТУРОБОВ Завқиддинжон Эргашович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари взводининг командири

**ТУРСУНОВ Рўзимурод Бекмуродович** – Қашқадарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси авария-қутқарув гуруҳининг қутқарувчиси

**ТЎХТАМИШЕВ Абдураҳим Амирқулович** – Самарқанд шаҳар ички ишлар бўлимининг катта ёнғин ўчирувчиси

**ЎРОЛОВ Суннатилло Ражабалиевич** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**ҲАМРОЕВ Ўктам Мамаюсупович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**ҲОЖИЕВ Тўлқин Туйғунович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**ШАМСУТДИНОВ Шуҳрат Мэлсович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисмининг батальон командири

**ШЕРНАЗАРОВ Жўрақул Равшанович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**ЭГАМОВ Мадат Озодович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг гуруҳ командири

**ЮЛДАШЕВ Сухроб Рашидович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг дивизион командири.

### "СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН" МЕДАЛИ БИЛАН

**АРАМОВ Шарофиддин Хошимович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг командири

**АТАБАЕВ Маъмур Муртазоевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги взводининг мутахассиси

**АҲМЕДОВ Шариф Жамолиддинович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг марказ бошлиғи

**БОБОЖОНОВ Саъдулла Эргашевич** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**БОБОМУРОДОВ Элмурод Ҳамидович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Сирдарё вилояти божхона бошқармаси катта инспектори

**БАЙБЕКОВ Равиль Абубакирович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригадасининг хизмат бошлиғи

**БОТИРОВ Қаҳрамон Жўраевич** – Шарқий ҳарбий округ ҳарбий судининг судьяси

**БАҲРОНОВ Шарофитдин Шарифович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригадасининг командири

**ҒОИПОВ Акбар Жўраевич** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**ДАДАХОНОВ Шуҳрат Алижонович** – Бухоро вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи

**ИБРАГИМОВ Мардонбек Иргашевич** – Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси "Тошкент-Аэро" ихтисослаштирилган божхона комплекси катта инспектори

**ИБРОҲИМОВ Зафар Каримович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**ИСМОИЛОВ Тимур Уразбоевич** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**(Давоми 4-бетда).**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
# Ф А Р М О Н И

## ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

**(Давоми. Боши 3-бетда).**

**ҚЎЧҚОРОВ Маҳамаджон Мамадалиевич** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисмининг қоровул бошлиғи

**МАМАТОВ Ҳусниддин Муфатхонович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий техника билим юрти бошлиғининг ўринбосари

**МИРЗАҚУЛОВ Дилшод Раҳимжонович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги взводининг катта техниги

**НАЖИМОВ Тоҳритдин Зуҳридинович** – Тошкент вилоят Ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бошқармасининг бошлиғи

**НОРҚЎЗИЕВ Шуҳрат Номазович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригадаси командирининг ўринбосари

**НОРМУРОТОВ Фахритдин Юсуфович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги взводининг командири

**ОБИДОВ Отабек Ғаниевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳи командирининг ўринбосари

**ПАК Дмитрий Викентьевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округи бўлим бошлиғининг ўринбосари

**ПАРМОНОВ Низом Сарибаевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригада командирининг ўринбосари

**РАУПОВ Меҳрож Болтаевич** – Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратурасининг бўлим бошлиғи

**РЎЗИЕВ Шерали Рамазонович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**РЎЗМЕТОВ Рустам Абдуллаевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**САДЖИД Юрий Гульмухаммедович** – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штабининг бўлим бошлиғи

**ТОКПУЛАТОВ Сакберген Каипбергенович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳининг секция командири

**ТУРҒУНОВ Тўйчи Умарович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**УМИРЗОҚОВ Муроджон Хўжамуротович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**ҲАЙДАРОВ Алиёр Каримович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси бўлимининг бошлиғи

**ХУДОЁРОВ Олимжон Дониёрович** – Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти кафедрасининг катта ўқитувчиси

**ХУДОЙҚУЛОВ Нормўмин Янгибоевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳининг ҳайдовчи-механиги

**ШАРИПХОДЖАЕВ Сайдолим Сайдазимович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**ШЕРМАТОВ Тоҳир Фаридович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг командири

**ЭШМАТОВ Абдурауф Ҳасанович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**ЮЛДАШЕВ Исроил Исломович** – Андижон вилоят Ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бошқармасининг бошлиғи

**ЯЛЛАҚАЕВ Зокир Юсупович** – Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти кафедрасининг мутахассиси

### “ШУҲРАТ” МЕДАЛИ БИЛАН

**АБДУЛЛАЕВ Отабек Комилович** – Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртининг курсанти

**АКБАРОВА Гулнорахон Аъзамовна** – ҳарбий-телекоммуникация йўналишидаги Тошкент академик лицейининг кафедра мудири

**АЛИБЕКОВ Тиркаш Эргашевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг гуруҳ мутахассиси

**БАРАТОВ Музаффар Эшқобилович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги взвод командирининг ёрдамчиси

**ЖУМАНИЁЗОВА Тўтижон Мадаминовна** – ҳарбий-юридик йўналишидаги Урганч академик лицейининг кафедра мудири

**ИСКАНДАРОВ Ўктам Хатамович** – Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг автомобиль мактаби ўқитувчиси

**ИСРОИЛОВ Носир Муродович** – Тошкент вилоят Ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бўлимининг бошлиғи

**ҚОЗОҚОВ Илҳомбек Бозорбоевич** – Давлат божхона қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси божхона бошқармаси бўлинма бошлиғи

**МАДАЛИЕВ Санжарбек Олимович** – Тошкент ахборот технологиялари университети Махсус факультетининг курсанти

**МАҲМУДОВ Бовмат** – Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судининг судьяси

**МАҲМУДОВ Сарваржон Оқбоевич** – Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Сурхондарё вилояти бошқармаси кўрикдан ўтказиш гуруҳининг кичик инспектор-кинологи

**МЕЛИҚУЛОВ Бектош Эргашевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳининг секция командири

**МУҚУМОВ Зиёдулло Туробович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисмининг гуруҳ командири

**МУСАЕВ Руслан Нарзуллаевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Сержантлар тайёрлаш мактабининг таъминот гуруҳи техниги

**ОБИДОВ Раҳимжон Обидович** – Чирчиқ ҳарбий суди раисининг ўринбосари

**ОМОНОВ Фазлиддин Келдиёрович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**САТТОРОВ Обиддин Усанович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳининг секция командири

**ТЎРАЕВ Беҳзод Маҳсудович** – Чирчиқ олий танкчи қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг курсанти

**ТУРСУНБОЕВ Аброржон Ўктамович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳининг секция командири

**ЎКТАМОВ Хайрулло Рустамжонович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий техника билим юртининг ўқитувчиси

**ҲАМИДОВ Фарҳод Адизович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳининг мутахассиси

**ХУДЕНОВ Ҳасан Юсупович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**ЭРГАШЕВА Замира Файзуллаевна** – ҳарбий-қурилиш йўналишидаги Самарқанд академик лицейининг ўқитувчиси

**ЮСУПОВ Жасурбек Одамбоевич** – Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Хоразм вилояти бошқармасининг кичик инспектор-кинологи

**ЮСУПОВ Зуҳритдин Юсупхонович** – Наманган вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси авария-қутқарув гуруҳининг ҳайдовчиси

**ЯКУШКИН Александр Владимирович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2009 йил 12 январь.

---

Твои герои, Узбекистан!

# ВЫСОКАЯ НАГРАДА ЛИДЕРА



**Заслуги военного летчика первого класса офицера Бахтиера Ахмедова по достоинству отмечены Родиной. В преддверии 17-летия наших Вооруженных Сил Указом Президента Республики Узбекистан Б. Ахмедов награжден орденом «Фидокорона хизматлари учун».**

Военно-транспортная авиация выполняет большой и разноплановый объем работы по перевозке военных грузов и воинских пассажиров, десантированию войск в заданные районы для выполнения учебно-боевых задач. Офицер Б. Ахмедов не только лично участвует в вылетах в качестве военного летчика, но и занимается организацией этого процесса в роли командира.

Военных летчиков не случайно именуют «вечными студентами». Каждый раз им необходимо сдавать массу экзаменов и зачетов перед строгими комиссиями авиационных специалистов. Таковы жесткие рамки требований. Летчику доверяется управление в небе воздушным судном. Ему вверяются не только дорогостоящая техника и важный груз, но ответственность за жизни перевозимых военнослужащих.

— За годы службы мне посчастливилось освоить двенадцать типов самолетов, — рассказывает офицер Б. Ахмедов. — Жизнь не стоит на месте, авиация также год от года становится сложнее. И летному, и техническому составу надо постоянно повышать свой профессиональный уровень, чтобы боевая готовность наших Военно-Воздушных Сил была всегда на высоте.

Минувший год запомнится офицеру. Землетрясением в Китае, когда наш Узбекистан в числе первых протянул руку помощи братскому народу. Гуманитарные грузы доставлялись бортами военно-транспортной авиации, и офицер Бахтиёр Ахмедов был в числе тех летчиков, кто осуществлял эти полеты.

Десятки срочных вылетов осуществил он вместе с экипажем и в разные уголки нашей страны.

— Знаем и уважаем офицера Ахмедова не только как опытного и классного летчика, — говорит о сослуживце офицер Зайлиддин Эргашев. — Он строгий и требовательный командир, но вместе с тем и справедливый. Он — лидер. И в молодых офицерах стремится воспитывать эту тягу к активной жизненной позиции, принципиальности и честности.

Офицер Б. Ахмедов воспринял эту высокую государственную награду как оценку воинского труда всего коллектива авиаторов. И призвал сослуживцев добиваться новых успехов в боевой подготовке, укреплении воинской дисциплины, в дальнейшем повышении безопасности полетов. Как образцовый командир, он подкрепил свой призыв отличным выполнением полетных заданий, отличными оценками в ходе очередной сдачи зачетов. Высокая награда требует всегда ей соответствовать.

**Майор Ермурат АЙНАТДИНОВ.**
**Фото Бахрома АБДУРАХИМОВА.**

# БАЙРАМ ШУКУҲИ



## ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ

**Мудофаа вазирлигида Ватан ҳимоячилари куни, Қуролли Кучларимиз 17 йиллиги муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.**

Тадбир аввалида нутқ сўзлаган Мудофаа вазири генерал-майор Қ. Бердиев барчани қутлуғ сана билан қутлар экан, жумладан, йиғилганларни Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар мазмун-моҳиятини янада кенгроқ тарғиб этиш, миллий армиямиз, ҳарбийлик касби нуфузининг юксалиши, қўшинлар жанговар шайлигининг таъминланиши ва ошиши, ҳарбий хизматчилар доимий шайлиги, тайёргарликнинг юқори даражасига эришишга хизмат қилувчи омиллар, қўмондонлик ва шахсий таркиб олдида турган устувор вазифалар, муҳим масалалар ҳақида тўхталиб ўтди.

Тантанали йиғилиш давомида Мудофаа вазирининг буйруғига кўра қатор офицерларга навбатдаги ҳарбий унвонлар, фидойи ва намунали ҳарбий хизматчиларга эсдалик нишонлари, Фахрий ёрлиқлар ва совғалар топширилди.

**Катта лейтенант Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ.**
**Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.**





## ОБОД ЮРТНИНГ ШУКУҲЛИ КУНИ

Марказий офицерлар уйида Ватан ҳимоячилари куни байрамига бағишлаб Тошкент ҳарбий округи қўшинлари сафида хизмат қилаётган ҳарбийлар, мудофаа ишлари бўлимлари бошлиқлари ва ҳарбий билим юрти курсантлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида тадбир бўлиб ўтди.

Йиғилишда Тошкент ҳарбий округи қўшинлари қўмондони генерал-майор В. Маҳмудов, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир ва бошқалар сўзга чиқишиб, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигининг метин қалқони бўладиган, қурол-яроғ ва ҳарбий маҳорат бобида ҳеч кимдан кам бўлмайдиган миллий армиямизни шакллантириш йўлида кенг қамровли ишлар олиб борилаётганига тўхталишди.

Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида армиядаги ахлоқий-руҳий, маънавий муҳит бутунлай янгиланди, жамиятимизда армияга ва ҳарбий хизматга нисбатан ёндашув ва қарашлар тубдан ўзгарди. Миллий армиямиз сафларида хизмат қилиш Ўзбекистон фуқароси учун наинки конституциявий бурч, айни чоғда мамлакатимиздаги энг нуфузли касблардан бирига айланди.

– Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони муҳим аҳамият касб этмоқда, – дейди Янгийўл шаҳар мудофаа ишлари бўлими бошлиғи офицер Мақсуд Аҳмедов. – Мазкур фармонда жорий йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга чақириш ва захирага бўшатишни йилига бир марта амалга ошириш белгиланган. Байрам муносабати билан жойларда бўлиб ўтаётган тадбирларда мазкур ҳужжатнинг аҳамияти, мазмун-моҳияти ҳақида атрофлича тушунча берилмоқда.

Тадбир сўнгида мамлакатимиз ҳудудий дахлсизлиги, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшган бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар эсдалик совғалар билан тақдирланишди.

**Ўз мухбиримиз.**

## ПОСБОН ОНАЛАРИ ҚАЛБИДА ҒУРУР

**Шарқий ҳарбий округ Офицерлар уйида Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан «Аскар оналари ташрифи» деб номланган тадбир бўлиб ўтди.**

Тадбирга Қуролли Кучларимизда хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларнинг оналари ҳамда оила аъзолари таклиф этилди.

– Ватанни севиш, унинг тинчлиги, осойишталиги йўлида хизмат қилиш, юрт шаъни учун садоқатли, жасоратли бўлиш мард йигитнинг ишидир. Бугун менинг фарзандим мана шундай мард ўғлонлар сафида эканидан беҳад қувонаман. Бу –тонгларга уланган бедор тунларим, аллаларга қўшилган ширин орзуларим, отасининг ушалган умидлари, оиламизнинг обрўйи ва келажагидир, – дейди аскар онаси Малика Валиева.

Ҳа, фарзандлари юрт ҳимоячиси мақомига эришган оналарнинг, оталарнинг қалбларидан бугун шундайин фахр, ғурур туйғулари кечмоқда.

– Мазкур тадбирни ўтказиш анъана тусини олган, – дейди вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси М.Хўжаева. – Соғлом ўғлонларни дунёга келтириш, уларни Ватан хизматига камарбаста, мард ва жасур этиб тарбиялаш ҳар бир онанинг орзусидир. Шу боис аскарлар, ҳарбий хизматчилар эришаётган ютуқ ва муваффақиятлар биринчи навбатда уларнинг оналарини қувонтиради. Бугунги тадбирдан кўзланган асосий мақсад ҳам ана шундай орзулари амалга ошган оналар қалбидаги фахру ифтихор туйғуларини янада мустаҳкамлашдан иборат.

Посбонлар томонидан тайёрланган саҳна кўринишлари, куй-қўшиқлар, вилоят бадиий жамоалари ва ёш ижрочиларининг байрам концерти иштирокчилар қалбига олам-олам қувонч олиб кирди.

**Ўз мухбиримиз.**

# ИСТИҚЛОЛ ПОСБОНЛАРИ

Энг илғор сержантлар тайёрлаш мактаби

## ПРОФЕССИОНАЛЛАР ТАЙЁРЛАНАР БУНДА

**Бугунги кунда замонавий жиҳозланган махсус сержантлар мактабларида таълим олган сержантлар бутун аскарлар таркиби учун энг яқин кичик командирлар бўлиш билан бирга, улар, таъбир жоиз бўлса, ҳар бир аскарга бамисоли акадек ғамхўрлик кўрсатиб, ҳарбий жамоаларда соғлом ахлоқий-руҳий ва маънавий муҳитни таъминлашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.**

**Ислом КАРИМОВ**

**Сержантлар тайёрлаш мактаблари Қуролли Кучларимиз сафларига армиямизнинг таянч устунлари саналган юксак малакали профессионал кичик командирлар тайёрлаб бераётган билим масканларидан саналади. Бугун ана шундай билим масканларидан бири бўлган Шарқий ҳарбий округига қарашли сержантлар тайёрлаш мактабида ҳам қатор мутахассисликлар бўйича кўплаб курсантлар сабоқ олишиб, ўз билим ва малакаларини оширмоқдалар. Мазкур билим маскани ортда қолган ўқув йили натижаларига кўра сержантлар тайёрлаш мактаблари ўртасида фахрли биринчи ўринга муносиб топилди.**









### МУКАММАЛЛИК САРИ

Қуролли Кучларда олиб борилаётган ислоҳотлар сабаб, ушбу сержантлар тайёрлаш мактабида ҳам кейинги йилларда қатор ижобий ўзгаришлар амалга оширилди. Тингловчиларнинг билимини ҳар томонлама бойитиш учун ўқув дастурига бир қанча янгиликлар киритилди. Ҳарбий соҳага доир фанлар қатори янги киритилган маркетинг хизмати, менежментлик, тадбиркорлик, фермерлик асослари ҳамда албатта, чет тилларидан бирортаси ўқишга қабул қилинган ҳар бир курсантга ўргатилишидан кўзланган мақсад, профессионал посбон ҳар жойда профессионал, етакчи, ўз номига муносиб бўлсин, демакдир. Қолаверса, у ҳарбий ислоҳотлар қатори халқ хўжалигининг турли тармоқларида амалга оширилаётган ўзгаришлардан ҳам хабардор, жисмонан бақувват, маънан етук ва интеллектуал салоҳият жиҳатидан ҳам баркамол бўлиши керак. Чунки бугун ёш аскарларга устозлик қиладиган сержантлар ана шундай сифатларга эга ва ўз эгаллаган билимларини хизматга татбиқ этиб, қўл остидагиларга ҳам ўргата оладиган даражада юксак маҳорат эгалари бўлиши талаб этилмоқда. Шу боис курсантларга малакали офицерлар ва Қуролли Кучлар хизматчиларидан иборат ўз ишининг пухта билимдони бўлган мутахассислар сабоқ беришади.

Бу борада фидойи офицерлар – автомобиль техникаларидан фойдаланиш ва бошқариш фани ўқитувчиси Аҳилжон Жамбилов, тактика фани катта ўқитувчиси Камолиддин Саидов ва тарбиявий ишлар услубиётини ташкиллаштириш цикли катта ўқитувчиси Шариф Юлдашевларнинг номини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин.

### ЗАМОНАВИЙ АНДОЗАЛАРГА МОС

Мактабда тингловчиларга чуқурлаштирилган машғулотлар шинам ва қулай ўқув хоналарида, замонавий техника ва технология воситалари асосида, барча зарурий кўргазмали қуроллар ҳамда компьютерлардан тўлиқ фойдаланган ҳолда олиб борилади. Курсантларнинг ўқиш ва билим олишларини яхшилаш мақсадида мактаб дала-ўқув машғулотлари майдони ҳам зарур анжомлар билан жиҳозланган.

Мустақил тайёргарлик дарсларида ҳам армиямиз таянч устунларига қулайликлар яратиш мақсадида бой кутубхона фаолият кўрсатади. Ўқув адабиётлари бўлими ходималари Раҳима Азибоева ва Юлдуз Болтабоева ҳамда бадиий китоблар бўлими мудираси Муҳайё Азибоеваларнинг билдиришича, кутубхона фонди яқинда яна кўпгина янги адабиётлар билан бойитилган. Шунингдек, вақтли матбуот нашрлари, кўплаб газета ва журналлар ҳам олинади.

Таҳсил олаётган курсантларнинг ҳар бири билимга чанқоқ ва зеҳни ўткир ўғлонлар. Ҳа, улар нимага интилишаётганини, ким учун хизмат қилаётганликларини жуда яхши биладилар. Уларни мардлар касби бўлган ҳарбий хизматга дилларидаги қайноқ шижоат, ватанпарварлик ва юксак иштиёқ туйғулари етаклаган. Барча тайёргарлик турларидан юксак натижаларга эришиб келаётган, жамоат ишларида фаол курсантлардан Ўлмасбек Абдуллаев, Аҳмаджон Фозилов ва Азимжон Шодмоновлар нафақат курсантлар, балки аллақачон устозларининг ҳам эътиборига тушган.

### МУСОБАҚАЛАР ТОБЛАР ПОСБОННИ

Курсантларнинг жисмоний тайёргарлигини яхшилаш ва спортни ривожлантириш мақсадида мактабда салмоқли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Чунки жанговар ютуқларга эришишда спортнинг роли муҳим. Посбонлар орасида эса спортда юксак натижаларга эришганлари кўпчиликни ташкил қилади. Ҳар ҳафта мактаб миқёсида югуриш мусобақаси ташкил этилади.

Ортда қолган ўқув мавсумида Қуролли Кучларимиз миқёсида ўтказилган "Энг илғор мутахассис" танловининг "Энг илғор взвод командири" номинациясида капитан Раҳим Курганов ва капитан Бахтиёр Содиқовлар фаол иштирок этиб, фахрли иккинчи ўринни эгаллаган бўлишса, "Энг илғор сержант" номинациясида сержант Акмал Туйғунов ва кичик сержант Ўткир Каримовлар 3-ўринга муносиб топилишди.

### ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ МУСТАҲКАМ

Мактабда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳам мустаҳкам ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган. Бундай тадбирларда курсантлар томонидан ҳарбий санъат намуналари кўргазмали чиқишларда намойиш этилади. Шунингдек, интеллектуал ўйинларда билим ва тажрибалар бойитилади.

– Мактабимизда Ватан ҳимоячилари кунини муносиб кутиб олиш ва ўтказиш юзасидан бир қатор ишларни амалга оширдик, – дейди офицер Баҳодир Тешабоев. – Жумладан, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамда вилоят ҳокимияти билан ҳамкорликда тадбир ўтказилиб, унда Президентимизнинг «Миллий армиямиз – мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» ва «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарларининг мазмун-моҳияти шахсий таркибга чуқур тушунтириб берилди. Шунингдек, мактабда "Ўзбекнаво" гастроль концерт бирлашмаси ва жойлардаги маданият муассасалари томонидан концертлар ва спектакллар намойиш этилиб, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари мароқли дам олишларига эътибор бериб келинмоқда.

### ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ – ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Ҳозирги вақтгача сержантлар тайёрлаш мактаби ҳарбий хизматчиларининг яшаш шароитларини яхшилаш мақсадида кўп хонадонли турар жой бинолари ва кўп ўринли ётоқхона қуриб берилган. Бу ерда ҳарбий хизматчилар оилалари билан истиқомат қиладилар. Шунингдек, курсантлар ётоқхоналари, ошхона, тиббий таъминот ва маиший хизмат кўрсатиш воситалари ҳам талаб даражасидадир.

– Мактабимизнинг «Энг илғор сержантлар тайёрлаш мактаби» номинацияси ғолиби бўлгани бизга кўтаринки руҳ ва куч-ғайрат бағишлайди, – дейди мазкур билим даргоҳини битириб, шу ерда хизматини давом эттириб келаётган шартнома бўйича ҳарбий хизмат кичик сержанти Исмоилжон Қўшмоқов. – Ушбу натижа нафақат бизни, балки мактабни битириб кетган собиқ курсантларни, бутун округимизни, қолаверса, ота-оналаримизни ҳам қувонтиради. Таъбир жоиз бўлса айтиш мумкинки, қутлуғ айёмда бу барчамиз учун энг қимматли мукофот бўлди. Ҳа, биз ғалабадан илҳомланамиз ва бундан кейин ҳам илғорликни қўлдан бермаслик учун бор куч ва имкониятларимизни тўлиқ сафарбар этиб, билдирилган ишончга муносиб эканимизни кўрсатамиз.

**Катта лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

# ГОРДОСТЬ НАРОДА

Ко Дню защитников Родины

## ОФИЦЕРЫ – ВЕРНЫЕ СЫНЫ НАРОДА, ОПОРА ГОСУДАРСТВА

**Независимость и кардинальное военное реформирование Вооруженных Сил породили не только новый тип солдата срочной военной службы, нового сержанта-контрактника, они принципиально изменили облик офицера – зрелого, интеллектуально развитого специалиста, отменного профессионала, способного решать самые сложные задачи, диктуемые современной военно-политической обстановкой в мире и регионе, надежно отстаивать интересы и рубежи независимого Узбекистана, мир, стабильность и спокойствие народа.**



О преобразующей роли независимости во всех сферах жизни нашего общества, о новом облике людей, в том числе и военнослужащих, сказано и написано немало. В Новогоднем поздравлении народу Узбекистана Президент Ислам Каримов, анализируя итоги прошедшего года и достигнутые успехи, сказал: **«Самое, пожалуй, главное, на чем базируется наше продвижение вперед, – по мере того, как меняется наша жизнь, – меняется человек, меняются наши люди, их мировоззрение и отношение к жизни, результатам своего труда, их сопричастность к тому, что происходит вокруг них, их политическая и общественная активность, их гражданское сознание и ответственность».**

Офицерские кадры Республики Узбекистан – предмет особой гордости нашего народа. Потому что они – профессионалы, владеющие современной боевой техникой и оружием, компьютерными, коммуникационными и информационными технологиями, подлинные мастера своего дела. Они – требовательные командиры, воспитатели, педагоги, психологи, наставники сержантов и солдат. Это люди целеустремленные, решительные, обладающие твердой волей, и одновременно им присущи душевная щедрость, внимание, такт, справедливость и забота о подчиненных.

Сегодняшнее поколение офицеров – люди разные. Одни – уже увенчанные воинской славой, широко известные в войсках. Другие только начинают свой путь к успеху. Разные они и по характеру. Но при всей непохожести люди этой категории одинаковы в одном – **они патриоты, ими движет непреходящее чувство любви к Родине, они верны воинскому долгу, любят свою профессию, гордятся ею и хорошо понимают свою высокую роль и историческое предназначение.**

Однажды я спросил капитана Шакира Хаирова из ТВОКУ:

– Скажите, пожалуйста, что вы считаете наиболее важным в профессии офицера?

– Ответственность, – не задумываясь, ответил он. Потом уточнил:

– Ответственность за людей. А это, как я понимаю, вершина высоконравственного, творческого труда. Ответственность за оружие, боевую технику, за подготовку личного состава. А в самом высоком ее понимании – за безопасность страны, за мирную жизнь нашего народа.

Нет необходимости доказывать, что именно ответственность офицера как подлинного профессионала определяет его решающую роль в формировании сержанта и солдата.

Всем нам знакомо расхожее выражение: «Офицер – профессия героическая». Оно раскрывает суть профессии офицера. В чем она? Прежде всего в том, что офицер служит там, где это необходимо не ему, а государству. Во-вторых, он в любое время дня и ночи, в любое время года, в любую минуту должен быть готов выступить на защиту своей независимой Родины и, не считаясь ни с какими трудностями и опасностями, выполнять приказ, надежно и эффективно решить поставленную перед ним задачу. Она и в том, что профессия офицера предполагает наличие у него особых морально-боевых и психологических качеств, и прежде всего ответственности за судьбу страны, за порученное дело, преданность воинскому долгу, верность Родине, народу и Президенту. А также – твердой воли, самоотверженности и мужества, бдительности и бесстрашия, крепости духа и прочной физической закалки.

Офицер – профессионал высшей категории. Подлинный знаток военного дела, вдумчивый воспитатель подчиненных. Ему вверяются люди, оружие, боевая техника и другие материальные ценности. Он всецело отвечает перед Президентом, Родиной и народом за обучение и воспитание солдат и сержантов, организованность и дисциплину во вверенном подразделении, части и за их боевую готовность.

Диапазон деятельности офицера очень широк и, несомненно, задачи, стоящие перед Вооруженными Силами, понятны каждому. Хотелось бы обратить внимание на некоторые стороны деятельности офицера, которые в современных условиях приобретают особую значимость и актуальность.

**Первое.** Сложность и ответственность задач, поставленных перед Вооруженными Силами, Президентом, Верховным Главнокомандующим, настоятельно требуют от офицеров-руководителей повышения эффективности их практической деятельности. И первой их заботой должно быть создание обстановки четкости, организованности и высокой требовательности в каждом воинском коллективе. Без этого немыслимы целеустремленное и качественное выполнение задач текущего учебного года и мобилизация усилий личного состава на поиск и полное использование всех имеющихся резервов повышения бдительности и боевой готовности.

**Второе.** Очень важно, чтобы офицер, особенно командир, умел находить, высвобождать для себя время для анализа обстановки, итогов, обдумывания предстоящих задач. Это очень важно в деле организации боевой и общественно-политической подготовки, в борьбе за передовые рубежи в соревновании.

**Третье.** Президент, Верховный Главнокомандующий Вооруженными Силами постоянно учит нас учитывать уроки происходящих в регионе событий, анализировать их, трезво оценивать угрозы и вызовы нашей безопасности и, исходя из этого, совершенствовать стратегию и тактику Вооруженных Сил, чтобы быть готовым пресечь любые посягательства на нашу независимость, территориальную целостность страны и мирную жизнь нашего народа.

Каждому офицеру надо учиться правильно и всесторонне оценивать оперативно-тактическую обстановку, вырабатывать правильные решения.

**Четвертое.** В обучении главный упор необходимо делать на приобретение каждым военнослужащим высокого профессионального мастерства, боевую слаженность подразделения, точное и глубокое знание каждым военнослужащим своих обязанностей, поставленных перед ним задач и ответственности за их выполнение. Вся повседневная деятельность офицера должна быть подчинена привитию чувства личной ответственности каждому военнослужащему за безупречное выполнение им воинского долга, на каком бы посту он ни находился. А если смотреть на эту проблему шире и глубже, то можно сказать так – задача каждого командира, заместителя по воспитательной работе, каждого офицера воспитать у каждого военнослужащего государственный подход к вопросам бдительности, боевой готовности и воинской дисциплины.

**Пятое.** Офицер – носитель высоких морально-боевых и психологических качеств. Высокие требования к своим командирам предъявлял великий Сахибкиран Амир Темур. О высоких качествах руководителя постоянно подчеркивает и глава нашего государства. Процессы реформирования, происходящие в стране, в том числе и в военной сфере, предъявляют повышенные требования к политической и духовно-нравственной зрелости, профессиональной подготовленности и компетентности офицера, к его организаторским способностям. Добавим к этому личный пример и высокую личную дисциплинированность. Офицер всегда на виду, на него смотрят, у него учатся, ему подражают. Его нравственная чистота, самоотверженность, преданность делу – лежат в основе его авторитета. Своим внешним видом, строевой подтянутостью, требовательностью, принципиальностью и заботой о людях он объективно изо дня в день утверждает в подразделении уставные взаимоотношения. Что бы ни было у него на душе, он не может, не имеет права быть расхлябанным, растерянным, не собранным. Он – офицер, и в любой обстановке обязан быть собранным, бодрым, держать нервы в узде, вести себя так, чтобы подчиненные получали от него заряд уверенности. Особенно эти качества важны офицеру в сложной, экстремальной или боевой обстановке, где уверенность офицера, его мужество нередко играют решающую роль в мобилизации усилий военнослужащих на безусловное выполнение приказов.

**Шестое.** Непременным условием успешной деятельности офицера является его общественно-политическая подготовка, идейная, духовно-нравственная закалка. Именно она определяет его жизненную позицию, правильность оценки анализа обстановки в мире и регионе, помогает быть политически зорким и духовно богатым, обладать чувством нового, уметь видеть перспективу и безгранично любить свою Родину. Общественно-политическая подготовка делает богаче наше мировоззрение, она придает ясную и четкую политическую направленность профессиональной подготовке офицера, побуждает его настойчиво и последовательно наращивать свои знания, овладевать новейшими технологиями в обучении и воспитании, учит овладевать искусством, умением тесно связывать программные цели государства с повседневной организаторской и воспитательной работой, с решаемыми задачами. И во всех своих делах, поступках и решениях точкой отсчета считать интересы государства, боевой готовности Вооруженных Сил, интересы защиты Родины и народа.

Завершая разговор об офицерах, – верных сынах нашего народа, хочется напомнить о высокой офицерской чести, зримым воплощением которой является личная примерность. Именно личный пример является тем уникальным средством, тем важнейшим условием, которое позволяет офицеру по совести выполнять свой долг, вести за собой воинский коллектив.

Честь офицера измеряется конкретными делами, его вкладом в общее дело, готовностью трудиться столько, сколько требуют обстановка, обстоятельства, сколько надо, чтобы точно и в срок выполнить приказ. Вот к таким офицерам и приходит почет, уважение, всеобщее признание.

Высоки помыслы офицеров наших Вооруженных Сил. Славны и их дела. Они беспредельно преданны Родине, народу и Президенту. Наша любимая Отчизна может быть спокойна: офицеры Вооруженных Сил – надежная опора государства, как и все наши воины они достойно выполняют свой патриотический долг. Они всегда начеку, всегда в боевой готовности!

**Анфим ХЛЫЗОВ.**
**Фото из архива.**

# ОИЛА ГУЛШАНИ

## САДОҚАТЛИ, МАТОНАТЛИ ЎҒЛОНЛАР – ОНАЛАР ФАХРИ



Бугун мустақил мамлакатимиз ўз Миллий армияси, қудратли Қуролли Кучларига эга. Унинг сафларида маънавий етук, соғлом ва бақувват, ғайратли ўғлонларимиз хизмат қилаётгани биз оналар учун ҳам фахр. Уларга ўз ўрнида руҳий таянч бўлиш эса биз учун шарафдир. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳам мамлакатимиз истиқболи йўлида кечаётган жараёнларга муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қилмоқда.

«Мудофаа тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ҳарбий қисмларида интизомни мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш, ҳукуматимизнинг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлодни вояга етказиш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалалари бўйича чиқараётган қарорлари, давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш борасида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Мудофаа вазирлиги ҳамкорлигида мунтазам равишда тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Мудофаа вазирининг «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тизимидаги ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлимлари фаолияти тўғрисида»ги Низомга мувофиқ биз Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлими билан узвий алоқа боғлаганмиз. Бу ҳамкорлик округлардаги ҳарбий қисм ва муассасаларда ўтказилаётган тадбирларда ўз самарасини бераяпти. Шунингдек, жамоат ташкилотлари билан биргаликда жойларда, айниқса, чекка қишлоқлар, маҳалла, овулларда «Ватан остонадан бошланади», «Мен нечун севаман Ўзбекистонни», «Ўзбекистон – менинг Ватаним» каби мавзуларда фахрийлар, муддатли хизматни муваффақиятли ўтаб қайтган йигитларни таклиф этиб, қизиқарли давра суҳбатларини ташкил этиш доимий режамизга киритилган. Олдимизда турган муҳим вазифаларни бажаришда тарғибот, ташвиқот ишлари, маданий-маърифий тадбирлар катта ўрин тутади шубҳасиз. Бу борада ҳаёт тажрибасига эга бўлган инсонлар, ижодкорлар, зиёлилар кўмагига таянмоқдамиз.

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Президентимизнинг «Ватан ҳимоячилари куни байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисида»ги Фармони ижроси бўйича ватанпарварлик руҳидаги тадбирлар қамровини янада кенгайтириш борасида қўмита томонидан бир қатор режалар ишлаб чиқилди ва вилоят ва шаҳар хотин-қизлар қўмиталарига етказилиб, муҳим топшириқлар қўйилди.

Ушбу режада Ватан ҳимоячилари кунига муносиб тайёргарлик кўриш, маънавий-маърифий ва ҳарбий-ватанпарварлик йўналишидаги тадбирлар, ҳарбий хизматчиларнинг касб маҳоратларини оширишга қаратилган ишлар ва спорт мусобақалари ўтказиш белгиланган. Айни дамга қадар жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари томонидан округ ва ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлинмалари, жамоат ташкилотлари билан биргаликда бир қатор байрам тадбирлари амалга оширилди. Вилоятлардаги марказий кўча ва майдонлар, байрам йиғинлари ўтказиш жойлари Қуролли Кучларга бағишланган плакат, стенд ва шиорлар билан безатилди.

Масалан, Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округда округ тарбиявий ишлар бошқармаси, Қашқадарё вилояти хотин-қизлар қўмитаси, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамда Қарши санъат коллежи билан ҳамкорликда ҳарбий қисм ва муассасаларда концерт дастурлари ташкил қилинди. Шунингдек, вилоят хотин-қизлар қўмитаси бир қатор бошқарма ва жамғармалар билан биргаликда «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари – юрт тинчлиги ва хавфсизлиги кафолатидир»: жанговар тайёргарликни мустаҳкамлаш, касбий маҳоратни ошириш, Ўзбекистон халқининг тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қилиш ҳар бир ҳарбий хизматчининг бурчидир» мавзусида тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказилди. Ҳарбий қисмларда аскарларнинг ҳуқуқий билимлари ва тиббий маданиятини ошириш юзасидан учрашув ва анжуманлар ташкил этилди. Округ сержантлар тайёрлаш мактабида «Балли, йигитлар», Қашқадарё вилояти драма театрида ҳарбий хизматчилар ўртасида «Ўзбегим ўғлонлари» кўрик-танловлари ўтказилди.

Шарқий ҳарбий округда ҳам вилоят хотин-қизлар қўмиталари етакчилигида ва иштирокида ўтказилган байрам тадбирлари ҳақида узоқ тўхталиш мумкин. Масалан, Фарғона вилояти хотин-қизлар қўмитаси округ ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлими ҳамкорлигида ҳарбий қисмларда «Ватанимиз тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ» мавзусида давра суҳбатлари ўтказилди. Офицерлар уйида «Ватан ҳимоячиларини шарафлаймиз» мавзусида кеча бўлиб ўтди. Шу билан бирга «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси вилоят бўлими саънаткорлари билан ҳамкорликда ҳарбий қисмда концерт дастури ташкил этилди. Ҳарбий хизматчиларга совға-саломлар тақдим этилди. Андижон ва Наманган вилояти хотин-қизлар қўмиталари томонидан ҳам байрам муносабати билан ўтказилган турли мавзудаги мана шундай маданий-маърифий тадбирларни айтиб ўтиш мумкин.

Хусусан, Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб ҳарбий қисмларда оналар учрашуви, «Қизлар туҳфаси» номли катта шоу-концерт дастурлари ташкил этилди. Шунингдек, ватанпарварлик руҳидаги бир қатор мавзуларда давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда. Республикамиз бўйича байрам муносабати билан хотин-қизлар қўмиталари томонидан ҳарбий қисм ва муассасалар ҳамда ёшлар ўртасида ўқув юртларида ўтказилаётган тадбирлар, учрашувлар, кечалар ҳақида узоқ тўхталиш мумкин.

Фарғона нефтни қайта ишлаш корхонасининг ёш оилаларга қуриб битказилган уйлардан ёш ҳарбий оилаларга ҳам квартиралар ажратиш ҳақидаги ташаббуси юртимиз ҳимоячилари учун байрам совғаси бўлди.

Миллий армиямиз сафида хизмат ўтаётган йигитлар ҳарбий мутахассисликларни пухта эгаллаш билан бирга, жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиниқиб, мард ва жасур бўлиб камол топмоқда. Миллий армиямиз ёшларга оила ва мактабда олиб улгурмаган билим ва тарбияни ўргатадиган, ўз халқига, Ватанига садоқат руҳида тарбиялайдиган мактабга айлангани ҳақиқатдир. Бундан хулоса шуки, ҳаёт мактабида тобланаётган фарзандларимиз она Ватанимизга муносиб қалқон, улуғ аждодларимизга муносиб ворис сифатида камолга етишаяпди. Шундай шукуҳли кунларда ҳурлигимиз, тинчлигимиз қалқони бўлган Ватанимиз ҳимоячиларини барча оналар номидан кутлуғ байрам билан чин дилдан табриклайман. Юрт осойишталиги, фаровонлиги ҳар бир остонага шодлик ва қут-барака улашаверсин. Буюк Ватанга кўксини қалқон этувчи ўғлонлар сафи ортаверсин.

**Муаллам ЗУФАРОВА,**
**Ўзбекистон Хотин-қизлар**
**қўмитаси раиси ўринбосари.**

## ҲАР ГЎШАДА БАЙРАМ, ТАНТАНА

**«Байрамлар элга ярашар», деган ажойиб сўз бор халқимизда. Чунки тинч, осуда, дориламон замонда байрамлар, тўю тантаналар бўлганига нима етсин. Шунинг баробарида юрт тарихига, халқ меҳрига сингиган бу улуғ кунлар мамлакат ҳаётида ҳам улкан аҳамият касб этади. Нега деганда, ҳар бир байрам тадориги ўзига хос эзгу саъй-ҳаракатлардан, амаллардан иборат. 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни ҳам худди шундай. Бу борада юртимизда бўлиб ўтаётган байрам тантаналари, турли йўналишдаги маданий-маърифий тадбирлар, меҳру мурувват ва саҳоватга йўғрилган ишлар ҳақида узоқ тўхталиш мумкин. Мамлакатимиз Президентининг Ватан ҳимоячилари кунига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисидаги Фармойиши байрамга улкан тайёргарлик кўриш, маданий маърифий тадбирларга, тарғибот ташвиқот ишларига кенг эътибор бериш, уни Қуролли Кучларимиз нуфузи, қудратига хос тарзда ўтказишга замин яратди.**

**Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлими томонидан ҳам байрам руҳига мос, ранг-баранг мавзудаги тадбирлар, кечалар, учрашувлар ва концерт дастурлари ташкил этилмоқда. Шу муносабат билан биз бўлим бошлиғи Ойнисо Нодировани суҳбатга чорлаб, округ, гарнизон ва ҳарбий қисмларда ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлимларининг байрамга тайёргарликлари ҳақида маълумот олдик.**

– Мудофаа вазирининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ватан ҳимоячилари кунига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисида»ги Фармойиши ижроси юзасидан эълон қилган буйруғи асосида ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлимида ҳам бир қатор режалар ишлаб чиқилди ва округлардаги ҳар бир бўлинмага етказилди, – дейди у суҳбат чоғида. – Бу байрамнинг нечоғлик улуғлиги, Ватан ҳимоячиси бўлмиш шарафли соҳа эгаларининг фидойи хизматига қаратилган юксак эътибордир. Шу сабабли байрам тайёргарликлари давомида истиқлолимиз ва тинчлигимиз ҳимояси йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш, хонадонларига байрам руҳини сингдириш мақсадида Мудофаа вазирининг буйруғига биноан моддий ёрдам ва совға-саломлар тақдим этилди. Байрамларга миллий қадриятларимиз сингдирилган, ватанпарварлик руҳидаги тадбирлар ва тантаналар ярашади. Бу борада биз давлат ва жамоат ташкилотлари билан узвий алоқа боғлаган ҳолда ҳарбий қисм ва муассасаларда хилма-хил йўналишдаги учрашувлар, кечалар, қизиқарли беллашувлар ташкил этмоқдамиз. Масалан, Тошкент ҳарбий округига қарашли ҳарбий қисмларда таниқли маданият ходимлари, санъаткорлар, шоирлар ва олимлар билан ижодий учрашувлар ўтказилди. Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларидан иборат томошабинлар Муқимий номидаги мусиқали драма театрига «Тобутдан товуш» комедиясини томоша қилиш учун таклиф этилди. Сержантлар тайёрлаш мактабида эса ушбу театрнинг таниқли актёрлари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Файзулла Аҳмедов, Боир Холмирзаев, Маърифат Ортиқова, Иқбол Ошиқов, Дилмурод Узоқовлар билан учрашув ўтказилди. Худди мана шундай ижодий кечаларда эл назаридаги санъаткорлар Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистон Қаҳрамони Зикир Муҳаммаджонов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Мирза Азизов, Зуҳра Ашурова, Абдураим Абдуваҳобов, Тоҳир-Саидов, Гулчеҳра Носирова, Дилором Ибрагимова, Нурбек Маматовлар ҳам қатнашдилар.

Округларда ҳам ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари иштирокида кўнгилочар байрам тадбирлари ўтказилди. Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округида вилоят хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда «Ўзбегим ўғлонлари» кўрик-танлови, Марказий ҳарбий округида Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик муҳандислик билим юрти курсантлари билан вилоят институти талаба қизлари ўртасида «Дилбар қизлар, шунқор йигитлар» кўрик шоу дастури бўлиб ўтди. Айни дамда округлардаги ҳарбий қисмларда «Намунали ҳарбий оила» кўрик-танловининг дастлабки босқичлари бўлиб ўтмоқда. Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий госпиталида Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда ўтказилган «Намунали ҳарбий оила», олий ҳарбий билим юртлари курсантлари ўртасида ўтказилган «Келинг, беллашайлик» танловлари иштирокчиларда катта таассурот қолдиргани аниқ. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, округлар бўйича ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлимлари томонидан ҳарбий қисм ва муассасаларда амалга оширилган байрам тадбирлари кенг миқёсга эга.





Суратлар таҳририят архивидан олинган.

**Зулфия ЮНУСОВА,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

# ЭҲТИРОМ

## КЎНГИЛЛИ УЧРАШУВЛАР, ЭЗГУ АМАЛЛАР

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни юртимизда кенг нишонланмоқда. Айниқса ҳарбий жамоаларда амалга оширилган турли йўналишдаги кечалар, давра суҳбатлари, учрашувлар ҳақида узоқ тўхталиш мумкин.

Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий Ҳаво кучлари қўмондонлигига қарашли ҳарбий қисмларда ҳам байрам муносабати билан давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Байрамни Қуролли Кучларимиз нуфузига муносиб тарзда қарши олишга алоҳида эътибор қаратилди. Офицер Бахтиёр Аҳмедов хизмат қилаётган ҳарбий қисмда ташкил этилган мана шундай тадбирлардан бирига Республика Маънавият тарғибот марказининг ижтимоий-сиёсий тарғибот бўлими бошлиғи профессор Убайдулла Олтинов ташриф буюрди.

Унинг Юртбошимизнинг «Миллий армиямиз – тинчлигимиз кафолати» ҳамда «Юксак маънавият – енгилмас куч» китоблари асосидаги суҳбатлари посбонларда катта таассурот қолдирди.

– Президентимизнинг «Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисида»ги Фармойишига биноан режа асосида давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда турли йўналишдаги маданий-маърифий тадбирлар ўтказаяпмиз, – дейди тарбиячи офицер Зайлиддин Эргашев. – Мана, бугун гувоҳи бўлганингиздек, ҳарбий хизматчиларимиз профессор Убайдулла Олтиновнинг қизиқарли суҳбатидан баҳраманд бўлишди. Ҳарбий қисмимизда байрам муносабати билан ўтказилаётган ушбу йўналишдаги тадбирлар шоир ва олимлар, санъаткорлар, таниқли инсонлар иштирокида ташкил этилмоқда.



Ватан мудофааси, юрт тинчлиги йўлида қилинган заҳматли хизмат, қаҳрамонликлар асло унутилмайди. Мардлар ёди ҳамиша эҳтиром ила тилга олинади. Ҳарбий учувчи Собиржон Санжаров ҳам мана шундай қаҳрамонлардан бири эди. Шу куни офицер Ҳикмат Насриддинов, Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлими бошлиғи Ойнисо Нодирова, маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдулазиз Қиргизбоевлар совға-саломлар билан ушбу хонадонга йўл олишди. Меҳмонларни оила бекаси шартнома бўйича хизмат оддий аскари Турдинисо Санжарова ҳамда унинг фарзандлари Суҳроб ва Тимурлар қарши олди. «От изини той босади», деганларидек, айни дамда Суҳроб Санжаров Чирчиқ олий танк қўмондонлик муҳандислик билим юртида таҳсил олаётган бўлса, Тимур Санжаров ҳарбий телекоммуникация йўналишидаги Тошкент академик лицей ўқувчиси.

– Бу эътибор ва ғамхўрликдан беҳад миннатдорман, – дейди оила бекаси, ҳарбий хизматчилар сафида намунали хизмат қилиб келаётган Турдинисо Санжарова. – Турмуш ўртоғимнинг оламдан ўтганига ўн йил бўлди. Ўтган мана шу йиллар давомида оиламизга давлатимиз, Мудофаа вазирлиги ва қўмондонлик томонидан доимо ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. Менга ва фарзандларимга кўрсатилаётган бу эътибор учун барчаларига ўз миннатдорчилигимни билдираман. Фарзандларимнинг оёққа туришида уларнинг катта ҳиссаси бор. Ватан ҳимоячилари куни олдидан тилагим: юртимиз посбонларига бахт ва омад ҳамиша ёр бўлсин. Ҳаётларида асло айрилиқ ва армон бўлмасин. Менинг ўғилларимга ҳам ота изини босиб, офицерлар сафида хизмат қилиш насиб этсин.

Ҳар бир байрамнинг ўзига хос томони бор. Ватан ҳимоячилари куни ҳам худди шундай. Унда Ватан улуғворлиги, осмонимиз мусаффолигию тинчлигимиз барқарорлиги, оловқалб йигитларимиз жасорати, қисқача қилиб айтганда, мустақил мамлакатимизнинг Қуролли Кучлари қудрати бор бўй-басти билан намоён бўлади. Шундай экан, бу байрамни юқоридаги каби тадбирлар ва эзгу амаллар ила қарши олаверайлик.

**Зулфия НОСИРОВА.**
**Аббос УЛУҒХЎЖАЕВ суратга олган.**





Память – категория нравственная

## НЕ ЗАБЫТЫ СЕМЬИ ПОГИБШИХ

**По доброй традиции, сложившейся в преддверии празднования Дня защитников Родины, представители воинских частей и отделов по делам обороны по месту жительства навещают семьи военнослужащих, погибших при исполнении воинского долга.**

В Сабир-Рахимовском районном отделе по делам обороны к данной ответственной задаче также отнеслись со всей серьезностью. Представители РОДО побывали в семьях военнослужащих, погибших при исполнении воинского долга, которым оказана материальная помощь.

– Наш долг: окружить теплом участия и заботы семьи наших боевых товарищей, отдавших жизнь во имя Родины – говорит заместитель начальника РОДО майор Артур Юлушев.

Для матери рядового Миркабила Адилова прибытие представителя РОДО не только напомнило о печальном в ее жизни событии, но и стало подтверждением священной для всех нас истины: воины Вооруженных Сил всегда хранят в сердцах память о товарищах по оружию, погибших при исполнении долга по защите Родины.

– И это не просто дань воинской традиции, – говорит мать солдата. – Для меня сын будто остался в живых, ведь его боевые товарищи по-прежнему навещают наш дом, всегда готовы помочь в решении возникающих бытовых проблем. Люди в военной форме оттого и достойны большого уважения, что в любых испытаниях готовы всегда поддержать.



В этот день были посещены также семьи погибших офицеров – Абдукарима Хамраева, Абдумажита Усманова, Чори Раджабова. И потому особенно отрадно осознавать, что и теперь, когда их нет с нами, память о них продолжает жить в сердцах защитников Родины.

В череде мероприятий празднования Дня защитников Родины эти посещения семей погибших военнослужащих имеют особый статус. Они, конечно, печальны, но вместе с тем полны и жизнеутверждающего начала. Жизнь не стоит на месте, дети наших вчерашних сослуживцев идут в школу, поступают в военные училища, занимают в боевом строю их места. А значит, они живы, они опять вместе с нами.

**Майор Шопулат ТУРДИЕВ.**
**Фото автора.**

## ҚАҲРАМОНЛАР НОМИ ЎЧМАС

**Ватанни севмоқ иймондандир. Ватан ҳимояси – муқаддас бурч. Дарҳақиқат, йигитлик бурчини шараф билан ўташ мард, шижоатли ва жасур инсонларгагина хос фазилатдир.**

Маълумки, жонажон диёримизда 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунини кенг нишонлаш тўғрисида Президентимиз Ислом Каримовнинг Фармойиши чиқди. Бу ҳам бўлса юртимиз ҳимоячиларига бўлган юксак-эътибор, ғамхўрлик белгисидир.

Ушбу шукуҳли кунларда элимиз тинчлигини, истиқлолни ҳимоя қилиб, мардлик ва шижоат, қаҳрамонлик кўрсатган марҳум ватандошларимиз ҳам ёдга олиниб, хотирланмоқда.

Қаҳрамонлар номлари абадийлаштирилиб, уларга ёдгорликлар ўрнатилгани, хиёбонлар барпо этилгани эса бу борадаги эзгу ишлардандир.

Бизнинг ҳамшаҳаримиз Улуғбек Барноев ҳам давлат мустақиллиги, тинч ва осойишта ҳаётимизга раҳна солишга уринган тўдаларга қарши курашда қаҳрамонларча ҳалок бўлган мард ўғлонлардан эди.

Бугун Каттақўрғон шаҳридаги марказий кўчалардан бирига «Жасорат» медали соҳиби Улуғбек Барноев номи берилган.

Нафақат байрам ва тантанали кунларда, балки бошқа пайтларда ҳам мудофаа ишлари бўлими томонидан Улуғбекнинг оила аъзолари ҳолидан хабар олинади. Маънавий ва моддий ёрдам кўрсатилади. Аслида, юртнинг фидойи фарзандларини ёд этиш барчамиз учун қарздир. Давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, жасур ўғлонларимиз, акаларимизнинг сўнмас хотираси олдида бош эгишимиз лозим.

Мадлари ҳимояга белин боғлаган,
Пўлат тулпорлари кўкка ўрлаган,
Оғир пайтда фарзанд номин оқлаган,
Кўкси қалқон ўғлонлари бўлсин Ватаннинг.

**Подполковник**
**Наврўз ҚУЛТОЕВ,**
**Каттақўрғон шаҳар мудофаа ишлари бўлими бошлиғи.**

# ТУРМУШ ЧОРРАҲАСИ

## БУҒДОЙЗОР ОРАЛАБ ЎТГАН ЙЎЛ...

**Кўҳна дунёнинг ўзи каби кўҳна одамийликни тараннум этгувчи ривоятлари мўл. Улардан оға-сингил ҳақидагилари кўнгилга жуда яқин. Нонни эъзозлаш болаликдан онгимизга сингдирилади. Худди шундай эъзоз буғдойзорга ҳам кўрсатилади. Айтишларича, сингил томон борар йўллар буғдойзор оралаб ўтган бўлса, бу йўллардан ўтишга сингил ҳолидан хабар олишни, уни йўқлашни ихтиёр этган оғаларгина ҳақли эканлар... Бу шарқона лутфда ҳикмат бор.**



### ОНАМ АЙТГАН ЭРТАКЛАР

Ота-болалар ишга берилиб кетганларидан яқинлашиб қолганимни сезмай ҳам қолишди. Улар ариқ тозалашарди. Илк баҳорда қилинадиган энг дастлабки ва энг муҳим юмуш бу. Ариқдан биринчи бўлиб жияним Адҳамжон сакраб чиқиб, мен томон чопди. Лой юқи қўлчалари билан бўйнимга осилди. Кўзларимдан беихтиёр ёш қуйилиб чиқди. Ундан лой аралаш баҳор тафти сезиларди, қадрдон болалик тафти уфурарди, онамни эслатадиган илк баҳор тафти... Онам... у қор ёғиб турган лаҳзаларда ҳам баҳор нафасини илғай оларди. Ва оғаларим – беш бўз болани ёнларига олиб ариқ тозалашга киришардилар. Ҳа, ҳа, айнан онам оғаларимга ариқ қазиш ва тозалашни ўргатганлар. Булар гўё кечагина бўлгандек...

Қўлимдан иш келмаса-да улар атрофида ўралашиш менга ёқарди. Оғаларим иш орасида менга тегажоғлиқ қилиб қўйишарди. Бундан норози бўлсамда уларнинг олдидан нарироқ кетишни хаёлимга ҳам келтирмасдим. Олисдан эшак минган қария кўринди, яқинроқ келгач онамга биринчи бўлиб салом берди ва:

– Ҳорманг, пошшо, ҳорманг, – деганча онам билан узоқ аҳвол сўрашди. – Синглим Муҳаррамдан бир хабар олай дедим.

Бу гапдан акаларим бир-бирларини туртишганча пиқирлаб кулдилар. Уларга ўзи зўрға турган қариянинг синглимдан хабар олгани келдим дегани кулгили эшитилган бўлса керак. Улар бўз йигитлар эди ва тасаввурлари ҳам ёшликка хос бўлган чамамда. Онам секингина акаларимга Муҳаррам момонинг эшиги олдида эшакдан тушолмай тараддудланаётган қарияни кўрсатиб имо қилдилар. Икки акам ўша заҳотиёқ учгудай бўлиб бориб уни эшакдан тушириб олдилар ва ҳовлига кузатиб қўйдилар. Кела солиб бараварига қотиб-қотиб кулдилар:

– Эшакда зўрға ўтирибдилар-у яна синглимни кўргани келдим дейдилар, сингилларийм бизни сариқ қиздек «ёшгина», – деганча менга имо қилиб кулаётган кичик акамнингкўзи онамга тушгач у бирдан жим бўлиб қолди.

Онам ариқ ёқасидаги дарахтга суянганча ўйчан турардилар.

– Бу сизга ибрат бўлсин, болаларим, – деб иш орасида шуларни гапириб берган эдилар:

– Саидолим бобонгиз оғалик бурчини бажаряпти. Бундан кулманг. Вақти-соати келиб сиз ҳам бобонгиздек, сариқ қиз ҳам Муҳаррам момоси каби қартаясизлар. Авваллари қишлоқда Гулсара отинойи деган ўқимишли аёл бўларди. Бизга турли эртак-ривоятлар гапириб берардилар. Биттаси эсимда қолган. «Эмишки, бир нечта кишиларга дўзах ва унда жазоланаётган гуноҳкорлар кўрсатилибди. Гуноҳкорлардан бири уларнинг эътиборини тортибди. Унинг фақатгина ярим танаси ўт ичида эмиш. Сабабини билишсаки, бу одам тириклик чоғида шериги билан сафарга чиқиб, бир қишлоқ ёнидан ўтаётганларида шеригига «ҳув ўша қишлоқда менинг синглим яшайди» деб кўрсатган экан. Шу сабабли ўша кўрсатган қўли-ю, синглиси яшаётган қишлоқ томон бурилган елка-бошигина ўтдан омон экан».

Бу воқеага ҳам, онам айтган эртакларни эшитганимга ҳам кўп йиллар бўлди. Ўша бўз болалар ҳозир кап-катта кишилар бўлишган, каминангиз сариқ қиз ҳам икки боланинг онасиман. Ҳамма қатори тириклик ташвишларига кўмилиб ўтиб кетаётган умримиз хаёлимга келмайди. Уй юмушлари, ишга чоп, уйга...

Бугун ҳам роса чарчадим. Оёқларимни зўрға судраб уйга қайтиб келаётсам «дом»нинг ҳовлисига «сиғмай» катта кўчага чиқиб мени пойлаб турган болаларимга кўзим тушди. Улар негадир одатларини тарк этишиб, мен томон югурмасдан ўрниларида ирғишлар эдилар. Олисни яхши кўролмайдиган кўзларим билан зўр бериб тикилганча улар томон юрдим... ва юрагим қувончдан гурсиллаб уриб кетди, оғам... мени йўқлаб келган оғам... Болалар оғамнинг ёнида ирғишлаб турган эканлар. Оёқларимга жон кирди, юришим тезлашиб кетди, бутун вужудимни енгиллик қоплаб, оғам истиқболига югурдим. Жануб офтобида янаям қорайган, тоғдек келбатли оғам бағрига ёш боладек отилдим. Ундан ҳам лой аралаш баҳор тафтини сезгандек бўламан, қадрдон болалик тафти, онамни эслатадиган илк баҳор тафти...

### ОҒАМНИКИДА ЁНСИН ЧИРОҚ

Чаросхон уй тўйида бу қадар кўп одам бўлишини кутмаган эди. Акасиникида қўшалоқ хурсандчилик – янги уйга кўчиб ўтдилар, яхши хизмат қилгани учун орден ҳам олибди. Бундан сингилнинг боши кўкка етди. Акмал акасининг дўстлари ҳам кўп экан. У елиб-югуриб меҳмонларга хизмат қилди.

Чаросхоннинг биргина акаси бор. Онаси улар ёшлигида вафот этган. Отасини умуман эслолмайди. Қийинчиликларга қарамасдан Акмал акаси ўқиб ҳарбий бўлди. Чаросхон қўшниларига келин бўлиб тушди. Икковлари ҳам ҳозир оилали. Тўғри, акасининг болалари уникидан анча ёш. Йигит киши аввал бир касбнинг бошини тутиб, кейин оила қуриши керак, дерди. Айтганини қилди. Акмал синглиси учун дунёдаги одамларнинг энг сараси. Аслида у ҳам бошқаларга ўхшаган инсон.

Акасини қутловчиларнинг кети узилмасди. У қўли бироз ишдан бўшаган пайтлар акаси томонга интиқлик билан қараб қоларди. Қаранг-а, унинг акаси қандай ҳурматли инсон, дўстлари кўп... Чаросхон келганидан буён акаси билан бемалол гаплаша олганлари йўқ. Акмал жуда банд эди.

Меҳмонлардан бироз бўшаган акасининг нигоҳлари ниҳоят синглисида ҳам тўхталди:

– Болаларинг тинчми, ўзинг қийналиб қолганинг йўқми, – дея шоша-пиша синглисидан кўнгил сўраган бўлди.

– Худога шукр акажон, болаларим тинч, жиянингиз Содиқжон доим Сизга ҳавас қилади, тоғамдек офицер бўламан дегани деган, – қувонч билан сўзлаётган Чаросхон шу дамларда осмонда учиб юргандек хурсанд эди.

– Уни ҳам олиб келмабсан-да, баҳонада шаҳарни томоша қилиб кетарди.

– Мол-ҳолларни ўзи эплайдиган бўлиб қолган, отаси доим ишдалар... – Болалари ҳақида гапираётган сингилнинг охирги сўзларини ака эшитмаган эди. Яна меҳмонлар келишди. У бундан заррача хафа бўлмади. Кечгача шу аҳвол давом этди. Ниҳоят ўзлари қолишди. Энди акаси билан бир тўйиб суҳбатлашади. Афсус, буни иложи бўлмади. Кечга янгаси билан бир жойга таклиф қилинган эканлар, бормаса бўлмайдиган жой... У жиянлари билан ёлғиз қолди. Беихтиёр хаёли қишлоққа, болаларига кетди. Нима қилишаётган экан? Шу пайт кичкинтой Жаҳонгир келиб суйканди:

– Аммажон, эртак айтиб беринг.

Чаросхон шу жиянини жуда яхши кўради. У қуйиб қўйгандек акасининг ўзи. Ҳатто бўйнидаги нўхотдек холи ҳам ўхшайди. Жаҳонгирни қучоғига олиб, эртак бошлади. Бу эртак аслида ака-сингилнинг болалиги ҳақида эди. Аммаси ва отасининг эртакнамо болалик қиссасини Жаҳонгир қайта-қайта эшитишни яхши кўради. Аммаси яхши эртак айтади, қўшиқлар билан, онаси эса доим эртак айтишга вақтим йўқ дейди.

Эрталабдан акаси яна хизматга отланди. Чаросхон мунғайиб қолди. Акасини жуда соғинган эди-да. Қишлоққа қайтишини айтганида Жаҳонгир унга ёпишганича «аммажооон, кетмааанг» деб ялина бошлади.

– Сен билан тузукроқ гаплаша олмадик ҳам, – деди айбдорона оҳангда синглисининг елкаларидан тутиб.

– Ҳечқиси йўқ, ахир ишингиз ҳам кўпда, қишлоққа болаларингиз билан бемалолроқ бўлиб борсангиз бўлди, – дея жавоб берган сингилнинг қалби Акмалнинг бир оғизгина гапидан ёришиб кетди.

– Албатта, албатта борамиз.

Чаросхон ҳеч кимнинг кузатиб қўйишига унамай вокзалга ўзи келди. Кутиш залида ўтирганича акасиникида ўтган уч кунини хаёлидан ўтказа бошлади. «Аммажон» деб бўйнига осилган жиянларини эслаб, кўнгли ёришди, яна акасининг роса иши кўплигини ҳам ўйлади... Онаси бот-бот такрорлайдиган қўшиқ хаёлидан ўтди:

Оғамникида ёнган чироқ,
Шуъласи мендан йироқ.
Оғамникида ёнмаса чироқ,
Фироқи ўртар бироқ.

Майли, шуъласи йироқ бўлса ҳам оғамникида чироқ доим ёниб турсин, ёниб турсин... Шундай хаёллар оғушидаги ёш аёлни кимдир меҳрибонлик билан елкаларидан тутди. Юраги қалқиб кетди. У елкасидан тутиб турган бу қўллар ҳароратини ҳамиша ҳис қилиб яшаб келади, бу оғасининг қўллари, ахир. Қувонч билан елкасида турган қўлларга кафтларини босди. Акмалнинг иши тиғиз бўлса ҳам синглисини кузатиб қўймасликка кўнгли бўлмаган эди.

– Яна бирозгина қолсанг бўларди, яқинда таътилга чиқаман, болаларинг билан келсанг, кейин қишлоққа бирга қайтардик.

– Йўқ, сизни болалар билан қишлоқда кутаман, узоқ куттирманг-а.

– Хўп бўлади, сингилжон, – деди акаси ҳазил аралаш ва Чаросхоннинг қўлига совға-салом солинган тўрхалталарни тутқизди, – булар ўзингга, уйдагиларга. – Чаросхон беҳад шод эди. Акмал поезд ўрнидан жилгунича кутиб турди. Шундай меҳрибон, хокисор сингллинг борлиги қандай яхши-я, дея хаёлидан ўтказди у. Ниҳоят руҳиятида ажиб бир енгиллик билан яна хизматига қайтди.

**Назокат НОДИРШОҲОВА.**

# ҲАРБИЙ ТЕХНИКА

## МУСТАҲКАМ ҲИМОЯГА ЭГА

RG-31 «Ньяла» русумли зирҳли автомобиль Жанубий Африка Республикасининг TFM компанияси томонидан Британиянинг TF ҳамда АҚШнинг LNY компаниялари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган. Ушбу ўзаро ҳамкорлик натижасида миналарга қарши кучайтирилган ҳимояга эга бўлган машина яратилиб, кейинчалик унинг асосида британиялик муҳандислар RG-32 «Скаут» русумли енгил зирҳли автомобилни ҳам яратдилар. «Ньяла» ва «Скаут» серияли равишда ЖАРда 1998 йилдан буён ишлаб чиқарилмоқда. Машинанинг пўлат корпуси экипажни 5,56 мм калибрли ўқлардан ҳимоя қилишни таъминлайди. Шунингдек, 7,62 мм калибрли зирҳни тешиб ўтувчи ўқлардан ҳимояланишни кафолатловчи қўшимча зирҳ ўрнатиш имконияти ҳам кўзда тутилган. Мазкур машиналарнинг мотор бўлмаси олд томонда, механик-ҳайдовчининг жойи чап, командирнинг ўрни эса ўнг томонда жойлашган. Десантчилар пневматик равишда ҳаракатга келтирилувчи эшик орқали корпуснинг орқа томонига жойлашадилар. Корпуснинг том қисмида 8 та люк бўлиб, уларнинг қопқоғи тик ҳолатда қотириб қўйилиши мумкин.

«Ньяла»нинг асосий техник-тактик тавсифлари: жанговар оғирлиги 8,4 т, шоссе бўйлаб максимал юриш тезлиги соатига 105 км, узунлиги 6,4 м, эни 2,47 м, баландлиги 2,72 м. Дизель двигатели 168 от кучига тенг қувватга эга. Узатиш қутиси автоматик, тўрт поғонали, пасайтирувчи редуктор ва руль кучайтиргичи ҳам мавжуд. Корпус томида 7,62 мм ёки 12,7 мм.ли пулемётлари бўлган айланувчи турель ўрнатилиши мумкин. Ҳозирда «Ньяла» АҚШ, Канада, Бирлашган Араб амирликлари ва бошқа бир қатор мамлакатлар армиялари ҳарбий техникаси таркибидан жой олган.



## БАРЧА ТАЛАБЛАРГА МОС

Япония ҳарбий-денгиз кучларига қарашли ДД-112 «Макинами» русумли эсминец қурилиши «IHI марин юнайтед» компанияси кемасозлик верфида 2001 йилда бошланган. 2002 йилнинг 8 августида кема илк бор сувга туширилган, 2004 йилнинг 18 мартида эса мамлакат флотининг жанговар таркибига киритилган. У «Мурасамэ» типидаги бошқарилувчи ракета қуролига эга бўлган эсминецларни янада ривожлантириш мақсадида яратилган бешта эсминецдан иборат сериядаги кемалардан учинчиси бўлди. Кема стандарт 4650 т ва тўлиқ 6300 т сув сиғимига эга. Унинг узунлиги 151 м, эни 17,4 м, сувга ботиб туриш даражаси 5,3 м.

COGAG схемаси бўйича яратилган бош энергетик қурилма 4 та газ турбинаси – «Роллс-Ройс» фирмасининг ҳар бирининг қуввати 13300 от кучига тенг бўлган иккита «Спей» SM 1C ҳамда «Женерал электрик» компаниясининг иккита LM 2500 (ҳар бири 16250 от кучига тенг қувватли) турбиналаридан ташкил топган. Кеманинг энг юқори сузиш тезлиги 30 узел. Экипаж 176 кишидан иборат.

Эсминец қуроллари: «Тип-90» SSM-1B русумли кемаларга қарши ракеталарни ишга тушириш қурилмаси (2 та тўртликдан иборат), «Си Спарроу» RIM-7M русумли бошқарилувчи зенит ракеталари учун 32 катакли Mk 41 тик учириш қурилмаси, ASROS русумли кемаларга қарши бошқарилувчи ракеталар, 127 мм.ли «Компакт» автоматик қурилмаси, иккита 20 мм.ли «Фаланкс» Mk 15 русумли зенит-артиллерия мажмуаси ва иккита уч трубали, 324 мм.ли кемаларга қарши торпеда қурилмаси. Бундан ташқари, эсминецга турли хилдаги радиоэлектрон қуроллар ўрнатилган. Эсминец, шунингдек, SH-60 J/K русумли вертолётлар учун мўлжалланган майдонча ва ангар билан жиҳозланган.



## СОЗДАЕТСЯ ОПЫТНЫЙ ОБРАЗЕЦ

Специалисты британской компании «Локхид-Мартин инсис ю кей» ведут научно-исследовательские работы по созданию опытного образца легкой реактивной системы залпового огня (РСЗО), получившей название LIMAWS (R) Lightweight Mobile Artillery Weapon System (Rocket). Ожидается, что первоначально будет выпущено четыре машины, которые пройдут полевые испытания. По сообщениям западных военных СМИ, боевая масса РСЗО не должна превышать 9 т, а ее переброску в зону боевых действий планируется осуществлять на внешней подвеске транспортных вертолетов «Чинук» или внутри фюзеляжа транспортных самолетов типа С-130. Артиллерийская часть РСЗО оснащена облегченной формой для размещения одного штатного пакета направляющих, применяемого на американских 227-мм системах M270A1 MLRS и M142 HIMARS, с шестью корректируемыми по данным КРНС NAVSTAR реактивными снарядами или одной оперативно-тактической ракетой ATACMS. Экипаж машины три человека, кабина и стекла бронированные, что обеспечит защиту от пуль стрелкового оружия и осколков артиллерийских снарядов.



## БУЮРТМА БЎЙИЧА

XM 110 SASS русумли автоматик снайпер милтиғи КАС компанияси мутахассислари томонидан АҚШ армияси қуруқликдаги қўшинлари буюртмаси бўйича яратилган. У AR-15 (М-16) сериясидаги милтиқлар асосида ишлаб чиқилган. Милтиқнинг самарали отиш узоқлиги 1000 метргача, ўқнинг бошланғич тезлиги 783 м/с, фойдаланиладиган патрон 7,62х51 мм (НАТО стандарти). Милтиқнинг оғирлиги 7,26 кг (магазинсиз), узунлиги 1,18 метр, ствол узунлиги 0,5 метр, магазин сиғими 20 та патрон. XM 110 ташқи ҳимоявий қум рангли қоплама, узунлик бўйича тўғриланувчи қўндоққа эга ҳамда овоз пасайтиргич (глушитель) билан ишлатилиши мумкин.

Мазкур милтиққа XM 151 русумли оптик нишонга олгич ҳамда Mil-Dot типидаги нишонга олиш тўри (бошқарилувчи ёритгичли) ўрнатилади. Қоронғилик вақтида фойдаланиш (ўт очиш) учун AN/PVS-17 русумли тунги нишонга олгичдан фойдаланилади.

АҚШнинг қуруқликдаги қўшинлари мазкур милтиқдан 4492 дона харид қилишни режалаштирган.

(«Зарубежное военное обозрение» журнали материаллари асосида тайёрланган).



# ХОНАДОН

К праздничному столу

## ТОРТ «ТРЮФЕЛЬ»



**Для приготовления бисквита на 6 порций нужно:** 6 ст. ложек муки пшеничной, 6 ст. ложек сахарной пудры, 6 шт. яичных желтков, 3 ст. ложки какао-порошка, 5 шт. яичных белков, 120 г грецких орехов, 1/2 стакана сливочного масла.

**Для начинки:** 1 стакан сливок, 300 г шоколада, 4 ст. ложки сливочного масла.

**Для пропитки:** 1/2 стакана сахарного сиропа.

Для бисквита взбейте желтки с сахарной пудрой. Муку смешайте с какао-порошком, просейте, добавьте в желтки и перемешайте.

Часть орехов смешайте с растопленным маслом, взбитыми белками и соедините с тестом. Форму смажьте маслом, подпылите мукой, вылейте в нее тесто и выпекайте бисквит до готовности. Остудите.

Для начинки сливки прогрейте с шоколадом, добавьте масло и взбейте, пока масса не остынет.

Бисквит разрежьте на три коржа и пропитайте сиропом. Коржи уложите один на другой, прослоив частью начинки и посыпав орехами. Верх и бока торта также покройте смесью. Украсьте шоколадной стружкой.

Время приготовления 1 час.



## ЦЫПЛЯТА В МАРИНАДЕ

Муку обжаривайте до золотистого цвета. Для томатного маринада нашинкованные соломкой морковь, лук и нарезанные ломтиками помидоры спассеруйте на масле, добавьте подготовленную муку, специи, чеснок, бульон и проварите маринад до загустения.

Тушку цыпленка нарубите по 2-3 куска на порцию, обжарьте на масле до образования золотистой корочки, уложите в смазанную маслом жаровню, залейте маринадом и запеките.

При подаче посыпьте рубленой зеленью и оформите ломтиками лимона. Отдельно подайте салат из свежих помидоров, огурцов.

Время приготовления 55 минут.

Bolajonlar, sizlar uchun!




## 14 YANVAR — VATAN HIMOYACHILARI KUNI

### XUSHXABAR

Bahromning akasi harbiy xizmatda. U Samarqand yaqinidagi bo'linmada xizmat qiladi.

Yaqinda Qahramon aka xizmat qilayotgan bo'linma sardoridan xat keldi. Unda harbiy xizmat chog'ida ko'rsatgan jasorati uchun Qahramon aka «Jasorat» nishoni bilan mukofotlangani xabar qilingan ekan.

Bu xushxabar butun qishloqqa yoyildi. Hamma shunday dovyurak o'g'ilni o'stirgan ota va onasiga, Qahramonni o'qitgan ustoz va murabbiylariga rahmat aytdi.

Bugun Vatan himoyachilari kuni. Shu munosabat bilan Qahramon aka o'qigan 5-maktabda tadbir o'tkazildi. U haqda maktab devoriy gazetasida ham yozildi. Inobat mana bu she'rni yozdi:

### TABRIK

Qahramondir bizning aka,
Vatan uchun xizmatda.
E'zozlaydi uni barcha,
Nomi hurmat-izzatda.

Akamizga ta'zim bo'lsin,
Bo'lsin shon-u sharaflar.
Tabrigimiz borib yetsin
Oshib qishloq, shaharlar.

### ПАПЕ

С мамой мы поздравим вместе
Папу с днем армейской чести,
Ведь защитник он у нас
Каждый день и каждый час!
Папа мой — защитник смелый,
Добрый, сильный и умелый.
С кем я делаю скворечник?

Только с папочкой, конечно!
И уроки сделать сможем
С папой, умным и хорошим.
В праздник мужества и чести
Папу поздравляю!
И пятерок — сто иль двести —
Твердо обещаю!



### РАСКРАСКА



# ДУНЁ НАФАСИ

## «ҚАРИЯ» АВТОМОБИЛЬ



Икки йил муқаддам оламдан ўтган англиялик ҳарбий шифокор Гарольд Каррининг гаражидан «Type 57S Atalante Bugatti» типидаги ноёб, эксклюзив машина топилди.

Маълум бўлишича, машина 1937 йилда чиқарилган бўлиб, гаражда 50 йилдан зиёдроқ вақт давомида турган.

Марҳумнинг жияни мазкур машинани Париждаги «Bonhams» аукционида кейинги ойда сотишни режалаштирган экан.

Маълумот учун айтиш жоизки, худди шундайин машинадан француз саноатчилари бор-йўғи 17 дона ишлаб чиқарган.

Топилма дастлаб англиялик пойгачи Эрлу Хоуга тегишли бўлган. Кейинчалик уни Нортамберленд графлигидаги лордлардан бирига, у эса ўз навбатида 1955 йилда шифокорга сотган.

Машинанинг сўнгги соҳиби ундан бор-йўғи 5 йил фойдаланган. Яна бир маълумот. Машина шу пайтгача 42 минг километр йўл босган.

## «SAMSUNG» ВИРУСЛАРИ



«Amazon.com» дея номланувчи йирик Интернет дўкони харидорларни вирус билан боғлиқ хавфдан огоҳ этмоқда.

Гап шундаки, ўтган йилнинг октябрида дўконда сотилган 8 дюйм ўлчамли «Samsung SPF-85H» рамкаларининг «Windows» тизими учун мўлжалланган драйвер дискида вирус бор экан.

Дастур тизимидаги бундайин носозлик компания омборидаги савдодан 24 соат ўтиб, маълум бўлган.

«W32.Sality.AE» дея номланувчи вирус қандай қилиб дискка тушганлиги ҳақида «Samsung» компанияси маълумот беришдан бош тортган, дейилади Интернет хабарларида.

## «COLUMBIA» ҲАЛОКАТИ САБАБИ



АҚШ нинг аэрокосмик агентлиги «NASA» ўзининг расмий сайтида «Columbia» шаттлининг 2003 йилдаги ҳалокати тўғрисида 400 саҳифали маърузасини эълон қилди.

Маълумки, мазкур фожеа 2003 йилнинг 1 февралида юз бериб, фазо кемаси бортидаги 7 нафар астронавтнинг бари ҳалок бўлганди. Маърузада экипаж ҳаётининг сўнгги дақиқалари борасида батафсил тўхталиб ўтилган.

Маъруза муаллифларининг таъкидлашича, астронавтларда тирик қолиш имкониятини оширадиган зарур жиҳозлар, махсус тайёргарлик бўлмаган. Экспертлар астронавтларнинг қулаш пайтида скафандрда бўлишса-да, бири шлем, уч нафари қўлқопни кийишмаганини, бу эса уларнинг фожеали ҳолатлар эҳтимоли бўйича тайёргарликдан ўтишмаганига мисол эканини айтишмоқда.

## ҒАЛАТИ БУЮМЛАР ПАРВОЗДА




Коинот кенгликларини ўзлаштиришга киришилган 50 йил давомида фазода нафақат кема, астронавт ва илмий-тадқиқот ускуналари, балки айрим ғалати буюмлар ҳам «парвоз» қилмоқда.

«New Scientist» журналида ёзилишича, ғалати буюмлар рўйхатига олтин грампластинка, астроном ҳоки, британиялик авангардчи рассомнинг Марсда йўқотилган асари, АҚШ эгизак биноси (2001 йил 11 сентябрда портлаган), дунёдаги энг биринчи самолёт бўлаклари, ўйинчоқ айиқ, фазогирлар коинотга олиб чиққан танга, марка ва бошқаларни киритиш мумкин.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

## МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



### Анализ газового кризиса – центральная тема ЕС

Анализ газового кризиса станет центральной темой экстренной встречи министров энергетики Евросоюза, которая состоится в Брюсселе. Как передает ИТАР–ТАСС, министры займутся не столько поисками путей выхода из нынешнего кризиса, сколько обсуждением возможностей предотвращения подобных ситуаций в будущем и обеспечения глобальной энергобезопасности ЕС.

В краткосрочной перспективе министрам предстоит согласовать перекрестные поставки газа между государствами Евросоюза.



### Первые пострадавшие египтяне

Четверо египтян – два офицера сил безопасности и два малолетних ребенка – ранены в результате ударов израильской авиации по граничащим с АРЕ районам сектора Газа. Как сообщает ИТАР–ТАСС, все пострадавшие получили ранения осколками от взрывов ракет, которыми ВВС Израиля обстреливали цели вблизи контрольно-пропускного пункта «Рафах». Воздушные атаки нанесли ущерб нескольким жилым постройкам в египетской части города Рафах. Все раненые госпитализированы.



### Наводнение на островах Фиджи

Шесть человек погибли в результате сильного наводнения, вызванного непрекращающимися ливневыми дождями на островах Фиджи. По словам временного министра национальной безопасности Эпели Ганило, число жертв может возрасти.

Прогнозы синоптиков на ближайшее время остаются неутешительными, передает ИТАР–ТАСС.



### Обнаружены тонны испорченных продуктов

Итальянские карабинеры обнаружили 3 тонны продуктов с истекшим сроком годности, в том числе явно испортившихся, которые были предназначены для пиццерий и супермаркетов в районе Ариано Ирпино, в пригороде Авеллино, недалеко от Неаполя. Как передает ИТАР–ТАСС, на оптовом складе в больших количествах были обнаружены сосиски, артишоки в масле, покрывшиеся плесенью колбасы. Самой поразительной находкой правоохранительных органов стали 50 литров томатного соуса, срок годности которого истек в 1999 году, о чем свидетельствовала дата на упаковке.



### Причина катастрофы – огромные волны

Сотни жертв катастрофы затонувшего в индонезийских водах судна Teratai Prima до сих пор разыскиваются. Об этом сообщил агентству Антара министр транспорта Индонезии Юсман Шафий Джамал. По его словам, на судне находились около 250 пассажиров и 18 тонн груза. Он также пояснил, что причиной катастрофы стали огромные волны в водах Мажене в районе южного Сулавеси.



### Номинанты «Восходящей звезды»

Британская академия кино- и телеискусства (BAFTA) объявила пятерых номинантов (Майкл Сера, Майкл Фассбендер, Ноэл Кларк, Тоби Кеббелл, Ребекка Холл) на получение награды в категории «Восходящая звезда» на ежегодной церемонии вручения главной британской кинопремии BAFTA, сообщает РИА Новости.

(www.NEWSru.com).

# ЧАҚИРУВ—2009

В отделах по делам обороны

## ЧЕМПИОНЫ ГОТОВЯТСЯ К СЛУЖБЕ

**В отделе по делам обороны Сабир-Рахимовского района столицы к работе по предварительному отбору призывников относятся с большой ответственностью. Здесь в ряды Вооруженных Сил отбирают самых достойных.**

Врач высшей категории Гульчехра Сагдиева уже 18 лет участвует в работе по отбору призывников. С учетом опыта ей доверено возглавить районную медицинскую экспертную комиссию.

— Требования к здоровью кандидатов в ряды будущих воинов предъявляются высокие, — говорит Гульчехра Гайбуллаевна. — Поэтому иногда родители и кандидаты в солдаты срочной службы выражают несогласие с заключениями медиков. В этих случаях даем аргументированные ответы.

Призывник Сардор Туландиев покидает кабинет старшего врача призывной комиссии в хорошем настроении: медики не видят преград по здоровью.

— Очень хочу стать солдатом, — говорит он. — Однако сейчас для этого мало иметь крепкое здоровье. Кроме этого, надо еще сдать отлично тесты по физической подготовке, а после этого пройти тестирование на городском сборном пункте. Надеюсь, мне удастся набрать нужную сумму баллов.

Конечно, в связи с принятием Указа Президента Республики Узбекистан от 20 ноября 2008 года «О мерах по совершенствованию условий прохождения гражданами срочной военной службы в Вооруженных Силах Республики Узбекистан» работы в РОДО заметно прибавилось. Ведь в ряды Вооруженных Сил теперь призыв юношей будет осуществляться только один раз. Об этом, кстати, говорится и в недавно опубликованном постановлении Президента Республики Узбекистан об очередном призыве на срочную военную службу граждан и увольнении граждан, выслуживших сроки срочной военной службы.

— До начала отбора призывников наши офицеры побывали в махаллях, где провели необходимую разъяснительную работу о ходе выполнения Указа Президента, — говорит офицер Зафар Эргашев. — В результате этой большой работы сейчас процесс отбора проходит по плану, без срывов.

Наибольшую активность при изучении призывного контингента проявили в махаллях «Очобод» (аксакал — Хайрулло Хикматов), «Навбахор» (аксакал — Нусрухужа Абдувахобов), «Гуручарик» (аксакал — Мирвохид Марупов) и многих других. На каждого призывника даны подробные личностные характеристики.

На районном стадионе «Истиклол» юноши бегают кросс на километр и покоряют стометровку, подтягиваются на перекладине. У чемпиона Узбекистана по таэквон-до Жамолиддина Обидова есть определенное преимущество перед сверстниками: Уже сейчас можно сказать, что мастер восточных единоборств имеет шансы быть отобранным для службы. И, возможно, вполне реально осуществится его мечта пройти службу в десантном подразделении. Кандидат в мастера спорта по боксу Сардорбек Отабеков также может пополнить ряды «крылатой пехоты». А вот Абдугани Хакимов, подтянувшийся 12 раз на перекладине, за 13 секунд пробежавший сто метров, уложившийся в норматив километрового кросса, и теперь с полным основанием может надеяться на то, что его мечта стать воином-пограничником также реальна.

Впрочем, одной силы и скорости сейчас явно не достаточно для прохождения отбора в ряды Вооруженных Сил. Тестирование на городском сборном пункте с участием представителей Государственного тестового центра призвано определить уровень знаний претендентов по математике, родному языку и литературе, истории Узбекистана. Среди тех, кто набрал высокую сумму баллов — Далёр Азимов, Музаффар Султонов, сделавшие серьезную заявку на место в армейском строю.

— Есть среди призывников и юноши с высшим образованием, — рассказывает служащая Гульсина Минигалеева. Она расставляет в картотеке занесенные только сегодня свежие данные. Изучение будущих воинов и в эти дни ведется высокими темпами. Младшего сержанта Жамшида Явкочева отличает ответственность и исполнительность в выполнении поставленных задач, как и подобает истинному военному профессионалу.

Одним словом, большая и кропотливая работа, идущая в эти дни в РОДО, направлена на то, чтобы точно в указанные сроки молодые люди, прошедшие тщательный отбор, пополнили ряды наших Вооруженных Сил.

**Майор Аблай КАМАЛОВ,**
**корр. «Ватанпарвара».**
**Фото автора.**







## ЯГОНА МАҚСАД ЙЎЛИДА

Изчилислоҳотлар сабаб миллий армиямиз янгича қиёфа касб этмоқда. Ҳарбий хизмат нуфузи салмоқли даражада ошди. Ватан ҳимоячиси бўлиш ёшларимиз орзу қиладиган касблардан бирига айланди.

Миллий армиямиз сафларида йигитлик бурчларини намунали тарзда ўтаган ёшларимиз учун кенг истиқбол эшиклари очилди – уларнинг иш билан таъминланишларига катта эътибор қаратилмоқда, мамлакатимиз олий ўқув юртларига кириб ўқиш истагида бўлганлар учун имтиёзларнинг борлиги улар келажагида мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтамоқда.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш ўринлики, кейинги йилларда муддатли ҳарбий хизматни ўташ тизимини ислоҳ қилиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Буни Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилда эълон қилинган «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони яққол ифода этади. Мазкур Фармоннинг ижроси юзасидан жойларда амалий ишлар олиб борилмоқда.

Қуролли Кучларимизни ҳар томонлама етук ёшлар билан сифатли бутланишида тиббиёт ходимларининг беминнат хизматларига тўхталиб ўтмаслик мумкин эмас. Мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимлари тиббий комиссияларида малакали, бир неча йиллик тажрибага эга бўлган шифокорлар фаолият кўрсатмоқдалар. Тиббий комиссиялар иши самарадорлигини ошириш мақсадида энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланишига ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Шу кунларда жойларда чақирувга тайёргарлик ишлари қизғин кечмоқда. Бу борада Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Ўсмирлар ва чақирилувчиларга тиббий хизматни ташкил этиш маркази ҳам алоҳида жонбозлик кўрсатмоқда. Марказ раҳбари Ибрагим Ўринбаев олиб борилаётган ташкилий ишлар юзасидан шундай дейди:

– Мамлакатимиз Президентининг Фармонида жумладан, шундай дейилади: «Фуқароларнинг муддатли ҳарбий хизматни ўташ тизимини такомиллаштириш борасида чора-тадбирлар Қуролли Кучларни чақирилувчилар билан тўлдиришни сифат жиҳатидан яхшилаш имконини берди, уларнинг жисмоний ва интеллектуал ривожланиш даражаси жиддий равишда ошди, аҳоли орасида ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори тубдан ўзгарди». Мазкур эътирофда тиббиёт ходимларининг ҳам меҳнатлари акс этган. Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар тиббиёт ходимларининг ҳам ўз касбларига янада катта масъулият билан ёндашишларини талаб этади. Ўтган йиллар таҳлилига назар соладиган бўлсак, чақирувда фаолият кўрсатган тиббий комиссиялар фаолияти йилдан-йилга яхшиланиб борганлигини кўриш мумкин. Кейинги йилларда тиббий комиссиялар ишини юксак даражада ташкил этган вилоятлар ва шаҳарлар сони ошди. Бу борада, айниқса, олий тоифали шифокорлар Елена Пак, Шоира Одилова етакчилик қилаётган Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри тиббий комиссиялари, шунингдек, Шавкат Абдуллаев, Қудрат Қуролов раҳбарлик қилаётган Фарғона, Жиззах вилоятлари тиббий комиссиялари фаолияти таҳсинга сазовор. Шу кунларда олиб борилаётган тайёргарлик ишлари февраль-март ойларида бўлиб ўтадиган чақирувнинг юксак савияда ўтишини таъминлашига шубҳа йўқ.

Ҳаёт мактабининг маънавий-ахлоқий ва ватанпарварлик тарбияси ёшларни Ватанга муҳаббат, унинг ҳимоясига шай туриш руҳига асосланган мукаммал характерни, қатъий ҳаётий дунёқарашни шакллантиришга қаратилган. Бу ўта масъулиятли ва мураккаб вазифадир. Шундай экан, унинг масъулиятини барча теран ҳис қилиб, ҳамжиҳатликда фаолият юритиши мақсадга мувофиқдир.

**Инобат ИБРОҲИМОВА,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

# АНЪАНА

# ТАШАККУРНОМАЛАР ЙЎЛЛАНДИ

**Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимиз ташкил топганлигининг 17 йиллигини халқимиз, кенг жамоатчилик катта тантана билан нишонламоқда. Байрам шукуҳи, байрам руҳи кишиларнинг юрак-юракларидан ўрин эгалламоқда. Бу халқимизнинг миллий армиямиз билан фахрланиши, ғурурланишидан. Ёш авлод учун армия мардлик, ватанпарварлик мактаби бўлаётганидан. Миллий истиқлол ғояси бизни ватанпарварликка, садоқатга, фидойиликка ундаётганидан.**

**Маълумки, ислоҳотлар сабаб Қуролли Кучларимизда турлича анъаналар шаклланмоқда. Бу армиямиз халқимизнинг, миллатимизнинг минг йиллар давомида шаклланган асл қиёфаси, азалий қадриятларини ўзида мужассам этаётганидан. Истиқлол айёми, миллий армиямиз ташкил топган кун муносабати билан садоқатни, матонатни касб билган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналарига ташаккурномалар йўллаш анъанаси халқимиз юрагидан жой олаётганини шу ўринда таъкидлаш лозим.**

**Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимиз ташкил топганлигининг 17 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири ва Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғининг буйруқларига биноан жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликларда эришган ютуқлари, ҳарбий ислоҳотларда фаол иштироки, юксак интизоми ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашдаги улкан ҳиссаси учун ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналарига ташаккурномалар йўлланди. Қуйида уларнинг рўйхатини эътиборингизга ҳавола этамиз.**




## ОТА-ОНАЛАРИГА МУДОФАА ВАЗИРИНИНГ ТАШАККУРНОМАЛАРИ ЙЎЛЛАНГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР

**Муддатли ҳарбий хизмат оддий аскарлари:**

Бобур ЭРГАШЕВ;
Сардор АСРАНОВ;
Хуршид ИСАЕВ;
Бегзод ЎРИНОВ;
Соҳибжон МАМАТАЛИЕВ;
Фарҳод ЮСУПОВ;
Раман СУЛАЙМОНОВ;
Тоҳир УСМОНОВ;
Ихтиёр БУТАНОВ;
Иқбол САФАРОВ;
Фахриддин НИШОНОВ;
Жамшед УСМОНҚУЛОВ;
Қаҳрамон ТУРДИЕВ;
Фарҳод САМИЕВ;
Раҳимжон ИСОМИДДИНОВ;
Саъдулло АҲРОРОВ;
Аюбхон ХАИТОВ;
Анвар ОМОНОВ;
Дониёр УСМОНОВ;
Отабек СУЛАЙМОНОВ;
Отамурод ЕРГЕШЕВ;
Зоҳид ЗУЛФИЕВ;
Соҳиб ЖУМАБОЕВ;
Баркамол ЙЎЛДОШЕВ;
Азизбек УМАРЖОНОВ;
Баҳодир ҒИЁСИДДИНОВ;
Аҳрор СОЛИЕВ;
Сардор ҚОРАБОЕВ;
Ҳасан МУЛЛАЛИЕВ;
Жавоҳир НОРМАТОВ;
Жавоҳир САМАНДАРОВ;
Актам БОБОЕВ;
Шоҳжаҳон ОЧИЛОВ;
Лазиз УМАРОВ;
Акмал ЖОНИЗОҚОВ;
Алишер МАМАЖАНОВ;
Ғиёс ХУДОЙҚУЛОВ;
Дилмурод ЭЛЧИЕВ;
Нуриддин ТОШТЕМИРОВ;
Дониёр ХУДОЙБЕРГАНОВ;
Дилшод БОЛҚИЕВ;
Шерали ЮСУПОВ;
Жалол АБДУЛЛАЕВ;
Жамшед САФАРОВ;
Камол САИДОВ;
Мансур ОДИЛБЕКОВ;
Убайдулло ТОШМЕТОВ;
Одилжон ТОЛИБЖОНОВ;
Азиз МАМАТОВ;
Охунжон ОРТИҚОВ;
Алибек МАМАРАҲИМОВ;
Миржалол ҚАЮМОВ;
Музаффар МУҲАМАДХОНОВ;
Фаррух ЖЎРАЕВ;
Мирзағолиб МАМАТҚУЛОВ;
Абдухалил ВАҲОБОВ;
Сарвар АБДУРАЗЗОҚОВ;
Тельман ҲАБИБОВ;
Шоҳруд ДОЛИЕВ;
Шерали АБДУРАИМОВ;
Тимур БОТИРОВ;
Зуҳриддин ТУРОНОВ;
Баҳодир ТУРДИЕВ;
Нодиржон ЖЎРАБОЕВ;
Аминжон КАРИМОВ;
Эркин ЎРИНОВ;
Рустам СОЛИЕВ;
Темур ТОШПЎЛАТОВ;
Шавкат БОБОМИРЗАЕВ;
Мамарасул РАСУЛОВ.

## ОТА-ОНАЛАРИГА ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР БИРЛАШГАН ШТАБИ БОШЛИҒИНИНГ ТАШАККУРНОМАЛАРИ ЙЎЛЛАНГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР

**Капитанлар:**

Нуриддин ЯХШИБОЕВ;
Улуғмурод УМИРОВ;
Аскаржон ЮСУПОВ;
Амангелди РЕЙМОВ;
Алишер ИСАКОВ;
Рустам ДАВЛЕТОВ;
Дониёр АКБАЛАЕВ;
Шерзод БОБОЕВ;
Хуршидбек БОБОЕВ;
Низомиддин АБДУВАЛИЕВ;
Аликпер АБДУЛЛАЕВ;
Шерзод ЮСУПОВ;
Бахтиёр СУВОНОВ;
Эркин ҚУРБОНОВ;
Бектемир РАББИМОВ;
Миршод САИДОВ;
Нурали ДУСАНОВ;
Авазбек ЎРМОНОВ ;
Қаҳрамонжон ЗОИДОВ;
Бахтиёр ИКРОМОВ;
Суннатулло МАҲАМАДИЕВ;
Жобирхон ИСОҚОВ.



**Катта лейтенантлар:**

Мирзоҳид ШОКИРОВ;
Дмитрий СМОЛЬКИН;
Муҳсинали ХОНСАИДОВ;
Юсуф ТУГАЛОВ;
Равшан ХАБИБУЛИН;
Дурбек СОТВОЛДИЕВ;
Шерзод ЖАЛОЛОВ;
Баҳодир ИСЛОМОВ;
Рамз ҒАНИЕВ;
Умиджон РАҲМОНОВ;
Худойберди БОЛТАЕВ;
Элбек АЛИҚУЛОВ;
Зоҳид ХОЛТЎРАЕВ;
Жамолхон БИЛОЛОВ;
Жаҳонгир МАҲАММЕДОВ;
Ғайратжон НУРМАТОВ;
Бахтиёр АШУРОВ;
Ринат ФАТХУДДИНОВ;
Азизжон СОДИҚОВ;
Акмалжон ҚОСИМОВ.

**Лейтенантлар:**

Жаҳонгир ҚОСИМОВ;
Зоир ЭГАМБЕРДИЕВ;
Руслан ҲУСНИДДИНОВ;
Хуршид ТОШЕВ;
Шуҳрат ТУРДАЛИЕВ;
Элдор МУРШАЕВ;
Алишер ЖУМАЕВ.

**Сержантлар:**

Абдумўмин ФАЙЗУЛЛАЕВ;
Ҳамдам БОТИРОВ;
Руслан МУСАЕВ;
Жаҳонгир ХАЛИЛОВ;
Фурқат ҚОДИРҚУЛОВ;
Аҳаджон ТУСМАТОВ;
Дилшод ҲАФИЗОВ;
Ойбек СУВОНОВ;
Оқилжон ХУДОЙНАЗАРОВ;
Ҳусанбой РАҲМОНОВ;
Александр АЛЕКСАНДРОВ;
Илёс МУҲАММЕДОВ.

**Кичик сержантлар:**

Равшан ҚУРБОНОВ;
Абдирашид ИСКАНДАРОВ;
Ҳошимжон АБДУМЎМИНОВ;
Аброр ҚУЛМАТОВ;
Умар ЭРДОНАЕВ;
Тўлқин НИЁЗОВ;
Эргаш ХОЛМУРОДОВ;
Хуршид УРДУШЕВ;
Қуролбой ҲАЙТБАЕВ;
Луқмон ТУРСУНОВ;
Икром СЕЙПУЛЛАЕВ;
Шермат АРАБОВ;
Холмурод БОЛТАЕВ;
Зойиржон ИСМОИЛОВ;
Шуҳрат НОДИРОВ;
Ҳикматулло СИРОЖИДДИНОВ;
Музаффар ҲАСАНОВ ;
Ҳусан ҚОБУЛОВ;
Абдурашид ТЎРАЕВ;
Ҳамдам САТТОРОВ;

(Давоми 19-бетда).

# АНЪАНА

## ОТА-ОНАЛАРИГА ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР БИРЛАШГАН ШТАБИ БОШЛИҒИНИНГ ТАШАККУРНОМАЛАРИ ЙЎЛЛАНГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР

(Давоми. Боши 18-бетда).

Абдуманноб ҚОЗОҚОВ;
Соли МАРДИЕВ;
Тимур ЭРКАЕВ;
Зокир ЯЛЛАКАЕВ;
Шуҳрат РАМАЗОНОВ.

**Шартнома бўйича хизмат оддий аскарлари:**

Музаффар ЭШБОЕВ;
Жасур АЛЛАНОВ;
Қудрат ТОЖИМУРОТОВ;
Зафар СУЛТОНОВ;
Илҳомжон МАДҒОЗИЕВ;
Валижон ЯРБЕКОВ;
Зайниддин НОРҚУЛОВ;
Шамсиддин САПАРОВ;
Жамол ТОИРОВ ;
Темур БЕРКИНОВ.

**Курсантлар:**

Баҳром ЮЛДАШЕВ;
Элёр ЖЎРАЕВ;
Хуршид ТЎРАЕВ;
Бекзод ТЎРАЕВ;
Рашид МАТЯҚУБОВ;
Маҳмуд АЛҚАРОВ;
Ойбек КАМАЛОВ;
Шуҳрат АБДУСАТТОРОВ.

**Муддатли ҳарбий хизмат оддий аскарлари:**

Аъзамжон РАҲИМОВ;
Улуғбек АШУРОВ;
Зоҳид ТЎХТАЕВ;
Фарҳод ТЎРАБОЕВ;
Иброҳим МИРЗАҚАЮМОВ;
Шерзод АБДИБАХАДОВ;
Алишер АБДУРАҲМОНОВ;
Дилшод АБДУЛЛАЕВ;
Ғофур ЭРКАБОЕВ;
Шуҳрат АЛИҚУЛОВ;
Санжар ТУРСУМАТОВ;
Ўлмас КУЧЧИЕВ;
Шерзодбек ЭШМАМАТОВ;
Элбек ЖУМАБОЕВ;
Умиджон ОЛТИЕВ;
Жонибек НОСИРОВ;
Латиф ОДИЛОВ;
Сардор РАҲМАТОВ;
Шавкат ИСРОИЛОВ;
Баҳром ТЎЛАБОЕВ;
Фахриддин ҲАМРОЕВ;
Мирвосит ЎРИНОВ;
Мансур СОБИРОВ;
Камол ПИРНАЗАРОВ;
Ҳусан МУЛЛАЛИЕВ;
Рамз УСМОНОВ;
Олимжон САТТОРОВ;
Ҳайдар САНГИНОВ;
Акмал МЕЙЛИЕВ;
Зафар ҲАЗРАТҚУЛОВ;
Акбар ТОЖИБОЕВ;
Мурод СОЛИЕВ;
Собир БОЗОРОВ;
Расул ҚУРБОНОВ;
Улуғбек ИСАЕВ;
Элмурод БОЙМУРОДОВ;
Аслиддин ҚУРБОНОВ;
Рустам АБДУРАИМОВ;
Файзулло БЕГАЛИЕВ;
Илҳом ГУЛШАНОВ;
Бобир НУРМУРОДОВ;
Юнусжон ЭШЧОНОВ;
Азамат ИСОҚОВ;
Бобораҳим ЭРГАШЕВ;
Абдумалик РАҲИМОВ;
Сардор РАИМЖОНОВ;
Дилмурод АҲМАДЖОНОВ;
Мурод АКБАРОВ;
Жамшид РАИМОВ;
Дилмурод БЕГИМҚУЛОВ;
Шамшод БОЙМУРОДОВ;
Бунёджон ҲАСАНОВ;
Жўрабек АЗИМОВ;
Олимжон РЎЗИМУРОДОВ;
Ғолиб РАҲМОНОВ;
Муҳаммадрасул ТЎЙЧИЕВ;
Жасур АСАТУЛЛАЕВ;
Шавкат ИСРОИЛОВ;
Эргаш БОБОМУРОДОВ;
Акмал ХОЛМЎМИНОВ;
Дилмурод АМИРОВ;
Рифат РЎЗИҚУЛОВ;
Фаррух НОРОВ;
Фазлиддин ЙЎЛДОШЕВ;
Асилбек МУРАҲИМОВ;
Элёр ЖЎРАБОЕВ;
Шуҳрат РАЙҲОНОВ;
Умиджон НАСРИДДИНОВ.

## XIZMATDA CHINIQQAN YIGIT



Oddiy askar Odil Jumayevning xizmatni tugatib yorug‘ yuz bilan ota-onasining bag‘riga qaytishiga ham oz fursat qoldi. Bunday paytlarda qadrdon bo‘lib qolgan harbiy jamoa – safdosh do‘stlar, harb ilmidan saboq bergan ustozlar, yigitlik maktabi sanalmish aziz go‘shani tark etish oson emas. Ortda qolgan oylar esa yigitni har tomonlama chiniqtirgani aniq.

Odiljon Qashqadaryo viloyati, Nishon tumanida voyaga yetgan. Tumandagi biznes maktabini tugatgach, biroz vaqt egallagan sohasi bo‘yicha faoliyat yuritdi. Ana shunday kunlarning birida tengqurlari qatori unga ham mudofaa ishlar bo‘limidan harbiy xizmatga chaqiruv qog‘ozi keldi. Odiljonning harbiy xizmatga ketishi haqidagi xabardan butun oila a’zolarining boshi ko‘kka yetdi.

– O‘g‘lim, yurt koriga faqat shu Vatanning asl farzandlarigina kamarbasta bo‘ladi. Shunday ekan, o‘z burchingni vijdonan o‘tab, yuzimizni yorug‘ qil, – degan edi Odiljonning otasi Nazar aka. Oydin opa ham o‘g‘lini xizmatga kuzatayotib, undan g‘ururlangandi. Garchi, bir yil uzoq muddat bo‘lmasa ham ota-ona uchun farzandidan, jigarbandidan yiroqda bo‘lgan har daqiqa asrlar kabi uzundek tuyiladi. Shunday bo‘lsa-da, farzandlarining tinchligimizga posbon bo‘layotganidan faxrlanib, unga oq yo‘l tiladilar.

Odiljonning hayotida katta o‘zgarish yasagan shu voqeaga ham mana bir yilga yaqin vaqt bo‘ldi. Bugun u o‘ziga biriktirilgan vazifani sharaf bilan uddalab, a’lochi askarlar qatoridan joy olgan. Sir emaski, harbiy bilim va saboqlarni egallashning o‘zi bo‘lmaydi. Buning uchun askardan tirishqoqlik, ishtiyoq talab qilinadi. Lavhamiz qahramoni ana shunday fazilatlar egasi.

– Xizmat davomida ustoz ofitserlardan, shartnoma bo‘yicha xizmat serjantlari O‘tkir Jo‘rayev, Lutfullo Normatovlardan jangovar bilimlarni o‘rgandim, – deydi oddiy askar Odil Jumayev suhbat davomida. – Harbiy xizmat yigit kishi uchun katta maktab vazifasini o‘tar ekan. Bu yerda o‘tgan har bir kunim chuqur mazmunga ega. Vatanga ota-onaga, qavmu qarindoshlarga bo‘lgan mehrning nechog‘lik buyuk tuyg‘u ekanligini angladim. Juda ko‘p do‘stlar orttirdim.

O‘tgan bir yil davomida ko‘p narsalarga erishdim. O‘zimga, kelajakka bo‘lgan ishonchim yanada ortdi. Bo‘sh paytlarimizda sport bilan shug‘ullanib, jismonan baquvvat bo‘lishga harakat qildim. Shu bilan birga harbiy qism kutubxonasi mening eng sevimli go‘shamga aylangan. O‘zbekiston Milliy universitetining huquqshunoslik fakultetiga o‘qishga kirmoqchiman. Shu bois kutubxonada ko‘proq tarix va huquq faniga oid kitob va qo‘llanmalarni mutolaa qilayapman. O‘ylaymanki, harbiy xizmatda kechgan har bir kun men uchun unutilmas xotira bo‘lib qoladi.

Insonning orzusi cheksiz. Eng asosiysi, sa’y-harakat ila ezgu maqsadga erishishdir. Muddatli xizmatni muvaffaqiyat bilan yakunlayotgan, milliy armiyamiz saflarida toblangan yigit Odiljon ota-onasi Nazar aka va Oydin opalar orzusidagi farzand bo‘lishiga ishonamiz..

**Gulnora TURSUNBOYEVA.**

Dil izhori

## OMAD SIZGA, YURTIM MARDLARI

Inson uchun tug‘ilib o‘sgan yurti muqaddas. Shu boisdan ham uning har bir qarich yerini bebaho gavharga mengzaydi. O‘zbekiston bizning muqaddas va aziz Vatanimiz. Shu jannatmakon o‘lkaning tinchligi va osoyishtaligini asrash, uni kelgusi avlodlarga ozod va obod yetkazish avlodlar oldidagi vazifadir. Mana, yurtimiz tinch, xalqimiz farovon, shahar va qishloqlarimiz obod. Kelajagimiz davomchilari bo‘lgan yoshlarimiz uchun barcha imkoniyat eshiklari ochiq. Bularning barchasi mamlakatimizda hukm surayotgan tinchlikning mevasi deb bilaman.

Yangilanishlar, islohotlar sabab milliy armiyamiz ham yosh avlod uchun mardlik va hayot maktabiga aylandi. Eng asosiysi, bugun yurtimiz o‘g‘lonlari armiya safida xizmat qilishni eng oliy sharaf deb bilmoqda. Men ham 2008 yili safarbarlik chaqiruvi rezervida o‘z yigitlik burchimni o‘tadim. Harbiy xizmatga qadar Toshkent Davlat yuridik institutida tahsil olganman. Harbiy xizmatni o‘tash davomida shuni angladimki, mardlik, shijoat, matonat kabi fazilatlar aynan shu yerda shakllanar ekan. Harbiy qismda askarlar uchun yaratilgan shart-sharoitlar, zamonaviy sport zallari, ma’naviyat xonasi, kutubxona, ko‘rkam va shinam yotoqxonani ko‘rib ko‘z quvonadi. Bir so‘z bilan aytganda, bu yerda harbiy xizmatni o‘tayotgan yigitlar uchun ham ma’nan, ham jismonan kamol topishlari uchun barcha imkoniyatlar muhayyo.

Yigitlarning xalqiga, Vataniga sadoqatli, fidoyi insonlar bo‘lib shakllanishida armiyada olgan bilimlari keyin ham asqotishini, ularning shaxs sifatida kamolga yetishida harbiy xizmat muhim poydevor, tamal toshi vazifasini o‘tashini hisobga olsak, islohotlar samarasini yaqqol anglaymiz. Bir oy aytarli uzoq muddat emas. Ammo men mana shu vaqt ichida harbiy sohaga oid bilim va ko‘nikmaga ega bo‘ldim. Namunali xizmat qilganim uchun harbiy okrug qo‘mondonining tashakkurnomasiga sazovor bo‘ldim. Bunda esa ofitserlar – Z. Isoqov, K. Qurbonov, A. Saidov, A. Qosimov va kichik serjant M. Mamatmurodovlarning xizmatlari katta bo‘ldi.

Fursatdan foydalanib, 14-yanvar – Vatan himoyachilari kuni va Qurolli Kuchlarimizning 17 yilligi munosabati bilan barcha harbiy xizmatchilarni chin dildan tabriklayman. Ularning yurtimiz tinchligi yo‘lida amalga oshirayotgan ezgu maqsadlarining ro‘yobga chiqishiga tilakdoshman.

**Doniyor SOBIROV.**

## ASKAR BO‘LISH – KATTA ORZUIM

Kishi bu dunyoda aniq maqsadlar, orzular bilan yashaydi. Aslida hayotning mazmuni, mohiyati ham shunda. Bemaqsad, behuda yashashdan ne ma’ni?! Ko‘nglingizda kun sayin “ko‘z” ochayotgan yangidan-yangi istaklar, orzular go‘yo sizni ko‘zlangan manzil, maqsadga yetkazadigan qanotga o‘xshaydi.

Bolalikdan egnimga harbiy libos kiyishni, Vatan himoyasidek sharafli kasbni tanlashni orzu qilib kelaman. Maktab davrimizda takror va takror yozganimiz – “Kelajakda kim bo‘lsam ekan?” mavzusidagi insholarimda ham faqat shu to‘g‘rida fikr yuritganman.

Yillar o‘tdi, ulg‘aydik. Maktabdagi sho‘x-shanlik, bolalarcha o‘yinqaroqliklar ham ortda qoldi. Endi Vatanimizning, xalqimizning, ota-onalarimizning ishonchini oqlash fursati yetdi. Orzularimiz jiddiylashdi, maqsadlarimiz teranlashdi. Bu dunyoda nimaniki xohlamaylik o‘z qo‘limizda ekani, unga erishish uchun bilim, intilish, shijoat kerak bo‘ilishini tushunib yetdik. Bu narsa bizga kuch bag‘ishladi.

Mening sharafli sohaga mehr qo‘yishimda amakim – shartnoma bo‘yicha xizmat kichik serjanti O‘rol Raimov, qo‘shnimiz – shartnoma bo‘yicha xizmat oddiy askari Rashid Alimovlarning ta’siri katta bo‘lgan. Ularning egnidagi harbiy libos, gap-so‘zlaridagi qat’iyat, faqat harbiylardagina bo‘ladigan shijoat va yurtparvarlik hislatlari ko‘nglimdagi orzularimni alangalatdi, desam xato qilmagan bo‘laman.

Mudofaaga ko‘maklashuvchi “Vatanparvar” tashkilotida harbiy texnik mutaxassislik bo‘yicha tahsil olyapman. Bu esa bolalik orzularimga erishish sari tashlangan dadil qadamlardan biri bo‘ldi.

O‘ylaymanki, bu dargohda oladigan bilimlarimiz bizga kelgusida nihoyatda asqotadi, yordam beradi. Ayniqsa, men kabi muddatli harbiy xizmatga borib, zimmalaridagi yigitlik burchlarini o‘tashni niyat qilgan, egniga harbiy libos kiyib, sarhadlarimiz daxlsizligini ta’minlashdek muqaddas ishga hissa qo‘shish ishtiyoqi ko‘ksini qizdirayotganlarga bu bilimlarning foydasi katta bo‘lishini ustoz-murabbiylarimiz ko‘p ta’kidlaydilar.

Hademay tahsilimiz nihoyasiga yetadi. Ana o‘shanda orzularimni amalga oshirish fursati keladi. O‘shanda armiyamiz saflarida mamlakatimiz tinchligi, osoyishtaligi uchun mas’ul bo‘lgan sheryurak, olovqalb posbonlari orasidan joy olishni juda-juda xohlar edim.

**Nazir RUSTAMOV.**

# ТАНТАНА

## КЎНГИЛЛАРДА БАЙРАМ ШУКУҲИ



Озод ва фаровон юрт, эркин ва бахтиёр халққа улуғвор байрамлар ярашади. 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни ҳам чинакам умумхалқ байрамига айланди десак, муболаға бўлмайди. Ушбу сана муносабати билан жойларда байрам тадбирлари кўтаринки руҳда давом этмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Марказий офицерлар саройида ҳам бўлиб ўтди. «Миллий армиямиз – мустақиллигимизнинг тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» мавзусида ўтказилган мазкур тадбирда Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Минҳожиддин Мирзо, Халқаро Амир Темур жамғармаси раиси Муҳаммад Али, Ўзбекистон халқ артистлари – Зикир Муҳаммаджонов, Ёқуб Аҳмедов, Турғун Азизов, Теша Мўминов, Эркин Комилов, Дилбар Икромова сингари Ўзбек Миллий академик драма театри актёрлари иштирок этдилар.

Тадбир аввалида сўзга чиққан меҳмонлар йиғилганларни табриклаб, миллий армиямизнинг ташкил этилиши ва ҳуқуқий асослари ҳамда бугунги кунда Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотлар, ҳарбий хизмат нуфузи ошиб бораётгани, Ватан ҳимоячиларига давлатимиз томонидан берилаётган имтиёзлар тўғрисида атрофлича тўхталдилар ва юртимиз тинчлигини сақлаш йўлида хизмат қилаётган барча ҳарбийларни байрам билан табрикладилар.

– Ватанни ҳимоя қилиш шарафли ва муқаддас бурчдир. Шу боисдан ҳам юрт тинчлиги ва осойишталиги учун камарбаста бўлаётган ҳарбийларнинг хизмати таҳсинга лойиқ. Уларнинг мардонавор хизматлари сабаб юртимизда, ҳар бир гўшада, ҳар бир хонадонда осойишталик ва шоду ҳуррамлик ҳукмрон. Тинчликка қалқон жасур посбонлар, асл ватанпарварлар бор экан, истиқлолимиз ҳам абадиятга юз тутади. Шу боисдан ҳам ҳарбийлар юксак эътибор ва ҳурматга сазовордирлар. Эътибор бераётган бўлсангиз, ўтган йиллар давомида Ватан ҳимоячилари кунини нишонлаш, байрам қилиш анъанага айланди. Бу эса чинакам Ватан ҳимоячиларига бўлган эъзоз намунасидир. Бу байрам юртимизнинг асл фарзандлари, Ватан фидойилари байрами! Шундай экан, барчангизга қутлуғ кун муборак бўлсин! – деди жумладан ёзувчи Муҳаммад Али.

Ватан ҳар қандай шароитда ва вазиятда ўзининг жасур ўғлонларига суянади. Азалдан алплар диёри бўлган юртимизда ҳар бир ўғлонни юртпарвар қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилади. Аждодларимиздан қолган бу анъана асрлар оша шаклланиб, сайқалланиб, бизга мерос бўлиб келган. Айни пайтда баркамол авлодни тарбиялашда бунинг ўрни ҳар қачонгидан-да муҳим. Ушбу тадбирда ҳам олий ҳарбий билим юрти курсантлари ва аскарлар, тарихда ўтган буюк бобокалонларимизнинг ибратли ҳаёт йўлларига яна бир бор назар солишди. Яъни Ўзбек Миллий академик драма театри актёрлари ижросида улуғ аждодларимиз талқини тарбиявий аҳамият касб этди десак, муболаға бўлмайди. Айниқса, Амир Темур (Теша Мўминов) ва Турк султони Йилдирим Боязид (Эркин Комилов) ўртасида бўлиб ўтган мулоқотнинг моҳирона ижроси томошабинларнинг давомли олқишларига сабаб бўлди.

Тадбир ниҳоясида Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник Тоҳир Ҳамроқулов сўзга чиқиб, барчани байрам билан табриклаш асносида самимий тилакларини билдирди. Шундан сўнг Ўзбекистон халқ артистлари – Зикир Муҳаммаджонов, Ёқуб Аҳмедов ва Теша Мўминовларни саҳнага таклиф қилиб, Мудофаа вазирининг «Эсдалик нишони»ни тантанали равишда топширди.

**Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА.**
**Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.**

## ПОСБОНЛАР БАҲСИДА АЙЁМ НАФАСИ

**Посбонлар маънавиятининг янада юксалишида, дунёқарашлари кенгайишида қисмларда фаолият кўрсатаётган кутубхоналарнинг ўрни беқиёс.**



Ҳилола Турсуматова мудиралик қилиб келаётган қисм кутубхонаси ҳам бу борада талайгина ишларни амалга ошириб келмоқда. Айниқса, турли саналар ва байрамларга бағишлаб ўтказилаётган шеърият кечалари, учрашувлар ва танловлар посбонларнинг маънавияти бойишида, интеллектуал салоҳияти ошишида катта аҳамиятга эга.

– Қисмимизда турли тадбирлар ўтказиш анъанага айланиб улгурган, – дейди кутубхона мудираси. – Жумладан 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан кўплаб тадбирлар ўтказдик. Ҳар бир тадбиримизга алоҳида тайёргарлик кўриб, уни юксак савияда ўтказишга интилаяпмиз.

Дарҳақиқат, ҳарбийларимизнинг касб байрамларига бағишлаб қисмда «Энг зукко йигит», «Энг яхши китобхон» ва «Заковат» танловларининг финал босқичлари бўлиб ўтди. Унда нафақат ҳарбийлар, балки уларнинг оила аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам иштирок этишди.

«Энг зукко йигит» танловининг финал босқичида 12 нафар ҳарбий хизматчилар қатнашиб, беш шарт – таништирув, жисмоний ва саф тайёргарлиги, умумҳарбий низом ва ҳарбий мажбурият қоидаларидан иборат саволларга жавоб бериш ҳамда эркин мавзу бўйича беллашдилар. Қизиқарли ва муросасиз кечган баҳсларда посбонлар қанчалик билим ва маҳоратга эга эканликларини намойиш қилишди. Танловнинг якуний натижаларига кўра, офицер Бекзод Жўраев, кичик сержант Холбой Муродов ва оддий аскар Акмал Биноқуловлар ғолиб, дея эътироф этилди.

– Хизматим давомидаги энг унутилмас лаҳзалардан бири бўлиб қолади, бу кун, – дейди оддий аскар А. Биноқулов. – Танловга тайёргарлик кўришимда сафдошларим ва командирларим катта ёрдам беришди. Айниқса, эркин мавзу шартида сафдошларим билан бирга тайёрлаган саҳна кўринишини барча иштирокчилар қарсаклар ила қаршилашди. Бундан кейин ҳам бу каби танловларда иштирок этиб, ўз билимларимни бойитиб боришга ҳаракат қиламан ва шу фурсатдан фойдаланиб, барча ҳарбийларимизни касб байрамлари билан самимий қутлаб қоламан.

«Энг яхши китобхон» танлови ҳам қизғин баҳслар билан ўтди. Унда иштирокчиларнинг бадиий адабиётга, шеъриятга бўлган қизиқишлари ва билимлари синовдан ўтказилиб, ғолиблар аниқланди. Оддий аскар Ёдгор Қўшақов танлов ғолиби бўлишга муваффақ бўлди. Айниқса, унинг юрт ҳимоячиларига бағишлаб ёзган шеъри ҳайъат аъзолари томонидан юқори баҳоланди.

– Ёшлигимдан адабиётга қизиқаман, – дейди у биз билан суҳбатда. – Балки оиламиздаги муҳитнинг ҳам бунга таъсири катта бўлса керак, деб ўйлайман. Чунки оиламиздагиларнинг кўпчилиги адабиёт соҳасида фаолият кўрсатишади. Умуман, қисмда биз посбонларнинг билимларимизни бойитиб боришимиз учун улкан шарт-шароитлар яратилган. Танлов интеллектуал салоҳиятимиз ошишига хизмат қилиши билан муҳимдир.

«Заковат» танловининг финал босқичида офицер Хайрулло Каримов бошчилигидаги жамоа ғолиб бўлди.

– Ватан ҳимоячилари кунини муносиб нишонлаш мақсадида ўтказган барча тадбирларимиз ҳарбийларимизга ҳар томонлама манзур бўлганига шубҳам йўқ, – дейди кутубхона мудираси Ҳ.Турсуматова. – Ҳали янги йилда янгидан-янги режаларимиз бисёр. Барча саъй-ҳаракатларимиз, ишларимиз замирида интеллектуал салоҳиятли баркамол посбонларни тарбиялаш, уларнинг маънавиятини бойитишдек эзгу мақсадлар ётибди.

**Аҳрор ОЧИЛОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**
**Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.**

## ҚИЗИҚАРЛИ ТАДБИРЛАР

**Нафақат Қуролли Кучларимиз, балки бутун халқимиз, мустақил диёримиз ҳаётидаги муҳим сана – Ватан ҳимоячилари кунини муносиб тарзда нишонлашга Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгаши томонидан ҳам пухта ҳозирлик кўрилди.**

Ўқув муассасалари, олий ва ҳарбий билим юртлари, лицей, коллежлар ва умумтаълим мактабларида давлатимиз раҳбарининг «Миллий армиямиз – мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир», «Юксак маънавият – енгилмас куч» номли рисолалари, Қуролли Кучлардаги ислоҳотлар ва жамиятда ҳарбийлик касбининг ўрни, аҳамиятини оширишга қаратилган «Ватанимиз тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч -қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ», «Ҳушёрлик ва сергаклик – замон талаби», «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари юрт тинчлиги ва хавфсизлиги кафолатидир» каби мавзуларда уруш ва меҳнат фахрийлари, таниқли олимлар ва маданият арбоблари, шоирлар иштирокида анжуманлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ва кечалар ташкил этилгани юқоридаги фикримизни тасдиқлайди. Шунингдек, ўқув муассасаларида Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни, Юртбошимизнинг 2005 йил 31 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2008 йил 20 ноябрдаги «Фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари мазмун-моҳиятини тарғиб этувчи стендлар тайёрланди ва ўрнатилди.

Ташкилот ўқув муассасалари курсантлари ўртасида эса «Конституция билимдони», «Ҳарбий Низомлар билимдони», «Ким эпчилу, ким чаққон» викториналари, савол-жавоб кечалари, маъданий-маърифий тадбирлар, вояга етмаган ёшлар иштирокида спортнинг техник ва амалий турлари бўйича мусобақалар ўтказилди.

Ўйлаймизки, баркамол авлодни вояга етказиш, мамлакат мудофаа салоҳиятини юксалтириш каби муштарак мақсадларни ҳаётга татбиқ этишда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликдаги ишларимиз янада самарали давом этади. Зеро, юрт тинчлиги, Ватан равнақини таъминлашга ҳисса қўшиш ҳар бир фуқаро учун муқаддас бурч, катта шараф ва масъулиятдир.

Фурсатдан фойдаланиб, Қуролли Кучларимиз аскар ва офицерларини, мустақиллик кунларини орзиқиб кутган ва эсон-омон шу кунларга етиб келган уруш ва меҳнат фахрийларини, барча ватандошларимизни севимли байрам – Ватан ҳимоячилари куни билан чин юракдан, самимий муборакбод этамиз.

**Жамшид ХИДИРОВ,**
**МК «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши ҳарбий-ватанпарварлик тарғиботи бўлими бошлиғи.**

# МАЪНАВИЯТ

Байрам туҳфаси

## АСРАГАЙМИЗ, ТОЗА ИЙМОНДАЙ ВАТАН

Хуш сўзлармиз – гул билан тиллашурмиз,
Ҳур ўсармиз – тоғ билан беллашурмиз,
Исмимиз айтиб жаҳон айвонида,
Энг баланд бўй эл билан беллашурмиз.
Жисмимиз ичра яшар жондай Ватан.
Равзайи роҳ, тоза виждондай Ватан.

Ажратурмиз жилға не, кўлмак нима,
Кўргулик келса агар кўрмак нима,
Гар зарур бўлса муқаддас юрт учун,
Қизғонишсиз жон бериб ўлмак нима.
Руҳиятни поклаган тонгдай Ватан,
Ҳақ ўзи суйгувчи иймондай Ватан.

Бир дарахтмиз илдизи кетган чуқур,
Очса мозийдан варақ, олам ўқур,
Дунёни лол этган илм, оқиллари,
Бизга аждод – қонлари бизда оқур.
Ўлмагай ҳеч, илму урфондай Ватан.
Биттадир, бир, Ўзбекистондай Ватан.

Ўзбекистон деб айтгин, дил тошса айт,
Паст-баланд киприкларинг бирлашса айт,
Гулшану саҳросини бирдай ўпиб,
Жон дилинг Тангри билан сирлашса айт.
Айтки, бизга тандаги жондай Ватан.
Асрагаймиз, тоза иймондай Ватан.

**Замира РЎЗИЕВА.**

## САФЛАН

Мустақил юрт ўғлонлари,
Билакда куч тўлғонлари,
Абжирлари, полвонлари,
Токи қалбинг юрт деб ёнур –
Ростлан йигит, сафларга тур!

Аскар, зобит ўғлон ўзинг,
Азамат ҳам соғлом ўзинг,
Ҳимояга чоғлан ўзинг,
Юракда ўт, дилда сурур –
Ростлан йигит, сафларга тур.

Спитамен тутган байроқ,
Душманларни енгган Широқ,
Дарё гувоҳ, Саҳро гувоҳ,
Тарих бизга йўл кўрсатур –
Ростлан йигит, сафларга тур.

Мўғилларнинг бериб додин,
Ёв устига солди отин,
Бўй эгмади Жалолиддин,
Сен ҳам эр бўл, ёвқур, жасур –
Ростлан йигит, сафларга тур.

Томирингда оқажак қон,
Бобомнинг деб ҳис эт, инон,
Енгилмаган Соҳибқирон –
Буюк бобом Амир Темур –
Рослан йигит, сафларга тур.

Ўзга юртда қолган бағрим,
Мангу шоним, мангу фахрим,
Генералим Собир Раҳим,
Туйдим ғурур, туйдим ғурур –
Ростлан йигит, сафларга тур.

Юртимиз тинч, тиниқ осмон.
Ўзинг қалқон, ўзинг посбон.
Ким тош отса бизга қасддан,
Адашма ҳеч – нишонга ур –
Ростлан йигит, сафларга тур.

Мадҳиямиз янграр тонгдан,
Шу Ватанни севдик жондан,
Собит турар Бош қўмондон.
Ўзбекистон мангуга ҳур –
Ростлан йигит, сафларга тур!

**Нурали ЖАЛИЛ.**

Шодиёна шукуҳи

## БОБОЛАРГА МУНОСИБ ИЗДОШ БЎЛАМИЗ

**Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида иккинчи жаҳон уруши фахрийси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, уруш даври хотиралари ҳақидаги «Алангали йиллар» асари муаллифи Мухторхон Расулов билан учрашув бўлиб ўтди.**



Тантана муносабати билан билим юрти байрамона қиёфа касб этган. Бўлғуси офицерларнинг юзларида самимият, ўзларида ишонч, қатъият ва дадиллик акс этади. Беихтиёр, «ахир шулар туфайли-да, бугунги дориломон ва осуда кунлар, ана шу ўғлонларимиз-да, осойишталигимизни таъминлаётганлар, бунинг учун уларга ҳар қанча раҳмат десак кам», дея ўйлайсан, киши. Ҳа, юрт ҳимоячилари ҳар доим жанговар шай ва юксак ҳушёрлик билан вазифаларини адо этадилар. Шарафли ва масъулиятли бурчига, Ҳарбий қасамёдга содиқ эр йигитлардир улар...

Шундай хаёллар билан турган эдим, билим юртига кираверишдаги йўлакда бир офицер ҳамроҳлигида келаётган истараси иссиқ, нуроний бир отахонга кўзим тушди. Бу ўша моҳир ҳарбий учувчи Мухторхон Расулов эди. Гарчи салкам тўқсон ёшга етган бўлса-да, ҳали-ҳамон йигитлардек тетик ва бардам одим ташлаётган бобонинг ҳаракатларига қараб, у йиллар шиддати олдида эгилмабди, сочларига қўнган қировлар эса бор-йўғи улуғворлик, салобат бағишлабди, деган фикрлар ўтди кўнглимдан.

Бир оздан сўнг билим юрти клубида курсантлар орзиқиб кутаётган тадбир бошланди. Йиғилганлар машъум уруш йиллари билан боғлиқ воқеаларни, қирғинбарот жанглардан омон чиққан ва душманга қақшатқич зарбалар бериб, ўзбек ўғлонининг нималарга қодир эканини барчага кўрсатган моҳир ҳарбий учувчининг хотираларини ҳаяжон билан тингладилар. Айниқса, отахоннинг ҳарбий авиация жанги, ҳаводан туриб душман ҳудудларини разведка қилиш, таҳликали вазиятларда ҳам дадил, ўзига ишонч билан ҳаракат қилиш, ўзларидан сон жиҳатидан анча устун ва кучли душман гуруҳларини зарур амаллар қўллаб енгиб чиққанлари тўғрисидаги ҳикоялари катта қизиқиш уйғотди.

Таъкидлаш жоизки, бундай учрашувлар мазмун-моҳияти жиҳатидан ўз ҳаётини халқ ва Ватан осойишталигини асрашдек эзгу ишга бағишлаган, ҳарбий соҳани тақдир деб танлаган бўлажак офицерлар, шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар ҳамда муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар учун ғоят муҳим тарбиявий аҳамиятга эгадир. Чунки улар қалбида боболар жасоратидан ўрнак олиш, садоқат, ватанпарварлик ва матонатда уларга муносиб издош бўлишдек эзгу мақсадлар шаклланишида бундай учрашувлар ўзига хос ўрин тутади.

– Болаларим, илоё биз кўрганларни сизлар кўрманглар. Бугун замонамиз тинч, ҳаётимиз фаровон. Ана шу ҳаловатли кунларнинг қадрига етиш ва асраш сизнинг бурчингиздир. Сизлар ўз она Ватанимизда, шу муқаддас юрт ва меҳри дарё халқимиз учун хизмат қилаяпсизлар. Ҳарбийликдек энг шарафли касбни танлагансизлар. Бундан фақат фахрланиш керак. Ватан ва халқ ишончи энг катта саодат, бунга муносиб бўлиш учун доим ўз билим ва маҳоратини ошириб бориш зарурдир. Шу боис тиришқоқлик билан ўқиб-ўрганинглар, бунинг учун бугун сизларга барча шароитлар муҳайё, – деди отахон ва посбонларимизнинг машаққатли ва масъулиятли хизматларида омадлар ёр бўлишини тилаб, уларни касб байрамлари билан чин дилдан муборакбод этди. Тадбир давомида уруш фахрийсига кўплаб саволлар ҳам берилди.

– Биз бўлажак офицерлар учун бу каби учрашувларнинг фойдаси ғоят катта, – дейди билим юрти курсанти Феруз Саидов. – Чунки тарихий воқеалар ҳақида бевосита ўша давр кишисининг ўзидан маълумот олиш тасаввурни кенгайтиради. Қолаверса, танлаган соҳамизнинг қанчалар масъулиятли ва шарафли эканини, посбоннинг ҳар қандай вазиятга доим тайёр бўлиши шартлигини янада чуқурроқ англаймиз. Энг муҳими, боболар жасорати, ўгитлари бизни эзгу ишларга, мақсадларга чорлайди, руҳан юксалтиради, уларга муносиб издош бўлиб камол топамиз. Истиқлолимизни фидойилик билан асрашни, бунинг учун керак бўлса жонимизни ҳам фидо қилишни чуқур англаб етамиз.

Тадбирга билим юрти ҳаваскор курсантлари томонидан тайёрланган бадиий чиқишлар янада файз бағишлади.

**Шаҳриёр КОМИЛОВ.**

Илмий-амалий анжуман

## ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

**Янги 2009 йилни эзгу орзу ва ниятлар ила қаршилаган юртдошларимиз шу кунларда халқимиз тинчлиги ва осойишталиги посбонлари бўлмиш ҳарбийларимизнинг касб байрамларини кенг нишонлашяпти. Қай бир гўшада бўлманг, у ерда ўзгача бир руҳни, байрамона кайфиятни ҳис қиласиз.**

Республика маънавият тарғибот маркази билан ҳамкорликда ҳарбий қисмда Юртбошимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» номли асарини ўрганишга бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманда сўзга чиққан Республика маънавият тарғибот маркази масъул ходимлари С. Олимов, З.Ғаффорова, марказнинг Тошкент шаҳар бўлими раҳбари И.Абдуғаниев, «Маданият» маҳалласи раиси Р.Жўраевлар мазкур асарнинг мазмун-моҳияти, унда илгари сурилган ғоялар, бугунги ҳаётимизда тутган ўрни тўғрисида иштирокчиларга кенг маълумотлар беришди.

– Бу анжуманни ўтказишдан мақсад, Юртбошимиз асари ва ундан келиб чиқадиган вазифаларни шахсий таркибга етказиш, улар онгига, шуурига сингдиришдан иборат, – дейди офицер А.Эргашев. – Шунингдек, ёш авлодни, жумладан, ҳарбий хизматчиларни турли ғоявий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, уларни жисмонан ва маънан соғлом, интеллектуал салоҳияти юксак Ватан ҳимоячилари этиб тарбиялашда мазкур асарда илгари сурилган фикрлар катта аҳамиятга эгадир. Шу боис анжуманда қатор давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, мутахассислар қатнашиб, ҳарбийларимизни қизиқтирган саволларга атрофлича ва кенг тушунчалар беришди.

Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ўтказилган ушбу анжуман ҳарбий қисм шахсий таркибида катта таассурот қолдирди.

**Аҳрор НУРБЕКОВ.**

## ИККИ АВЛОД УЧРАШУВИ

**Юнусобод туман ҳокимияти, мудофаа ишлари бўлими, маънавият тарғибот маркази туман бўлими, «Камолот» ЁИҲ туман кенгаши билан ҳамкорликда Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тадбир ўтказилди.**

«Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари – юрт тинчлиги ва хавфсизлиги кафолатидир» шиори остида ўтган тадбирда уруш ва меҳнат фахрийлари, истеъфодаги офицерлар, муддатли ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари, сиёсий партиялар вакиллари, маҳалла фаоллари ва ҳарбий спорт синфлари ўқувчи ёшлари иштирок этишди. Сўзга чиққанлар ҳарбий хизмат нуфузи, Қуролли Кучларда олиб борилаётган ислоҳотлар аҳамияти ва мақсади ҳақида фикр юритиб, умумхалқ байрами билан қатнашчиларни табриклаб, эзгу тилаклар билдирдилар.

Самимий суҳбатлар, дилдан мулоқотлар байрам дастурхони атрофида давом этди.

**Азизбек МАТЁҚУБОВ.**

# СПОРТ

## ЗОЛОТОЙ ВКЛАД АРМЕЙСКИХ СПОРТСМЕНОВ

В минувшем 2008 году спортсмены войск Министерства обороны составляли основу национальных сборных команд страны по различным видам спорта. Армейцы завоевали 2 бронзовые олимпийские медали, 59 золотых, 62 серебряных и 84 бронзовых медалей на различных аренах и стадионах, во многих странах мира.

О солидном «золотом вкладе» спортсменов МХСК не раз говорилось в ходе состоявшегося на днях в Центральном Доме офицеров Вооруженных Сил Республики Узбекистан мероприятии, посвященном подведению итогов выступлений армейских спортсменов в сезоне 2008 года.

Как отметил в своем выступлении Министр обороны Республики Узбекистан генерал-майор Кобул Бердыев, прежде всего 2008 год запомнился успешным участием девятнадцати армейских атлетов в Олимпийских играх в Пекине. Дзюдоист лейтенант Ришот Собиров, а также выступавшая в одном из сложных видов спорта – трамполину – лейтенант Екатерина Хилько принесли в копилку сборной Узбекистана две бронзовые медали.

Среди успехов армейских спортсменов – выступление на чемпионате мира по боксу среди военнослужащих в Баку, где команда МХСК завоевала второе место. Чемпионами мира стали младший сержант Туляшбай Дониёров, рядовой по контракту Баходир Мамажонов, служащие Бекзод Юнусов и Сардор Абдуллаев. Серебряная медаль у служащего Шерзода Абдурахманова. Бронзовые медали завоевали спортсмен МХСК Шахриёр Исаков, рядовой срочной службы из СВВАКИУ Рафикжон Султанов и служащий Улугбек Холмуратов.

На Кубке мира по боксу, проходившем в Москве, серебряными призерами стали капитан Дильшод Махмудов и Аббос Атаев, бронзовым – Эльшод Расулов.

Мастера МХСК по армрестлингу заняли второе командное место на чемпионате Азии, а МХСК признан сильнейшим среди клубов по этому виду спорта в Азии.

Наряду с успешными выступлениями на Олимпиадах, Азиатских играх, чемпионатах мира и континента, наши спортсмены достойно выступают и на состязаниях под эгидой Международного военного спортивного Совета (CISM). Вступив в 1993 году в эту авторитетную организацию, армейцы МХСК в 2008 году по итогам выступлений заняли седьмое место в рейтинге 132 стран мира.



В республиканских соревнованиях спортсмены МХСК выступали столь же успешно. 233 золотых, 148 серебряных, 119 бронзовых медалей – наглядное свидетельство высокого уровня спортивного мастерства военнослужащих Министерства обороны. Высокие спортивные достижения наших атлетов являются результатом огромной заботы руководства нашей страны о развитии спорта в республике.

Успехи армейских спортсменов всегда достойно и высоко оцениваются государством. В преддверии Дня независимости 7 армейцев были удостоены высоких государственных наград и почетных званий. В их числе в прошлом спортсмен, а ныне тренер майор Уйгун Сиддиков (бокс), тренер по дзюдо Борис Григорьев, тренер женской команды по дзюдо младший сержант Зинура Джураева.

За высокие спортивные результаты, достигнутые в 2008 году, проявленные при этом мастерство и волю к победе, за большой вклад в поднятие престижа армейского спорта, качественную подготовку спортсменов и пропаганду физической культуры большая группа спортсменов и тренеров МХСК была награждена Почетными грамотами Министра обороны, многие из них удостоены Почетного знака Министра обороны. Также на церемонии были вручены ценные подарки.

**Майор Х. НУРИДДИНОВ.**







## КАПИТАН ОРТИҚОВ ЖАМОАСИНИНГ ЮТУҒИ

Тошкент ҳарбий округидаги ҳарбий қисмлардан бирида Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб ташкил этилган спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Офицер Отажон Бебитов бошчилигидаги қисм ҳарбий спортчиларининг кўргазмали чиқишлари ва мусиқали дастурдан сўнг мусобақаларга старт берилди.

Спортчилар арқон тортиш, мини футбол, волейбол, граната улоқтириш, стол тенниси, ҳарбий эстафета бўйича куч синашдилар. Қизғин ва муросасиз тарзда ўтган мусобақаларда қуйидаги натижалар қайд этилди:

Арқон тортиш бўйича капитан Ф. Қаюмов бошчилигидаги жамоа тенгсиз деб топилган бўлса, капитан Б. Файзуллаев ҳамда катта лейтенант Х. Каримов жамоалари иккинчи, учинчи ўринларга сазовор бўлишди.

Минифутбол баҳслари қизиқарли ўтди. Унда капитан Н. Ортиқов жамоаси биринчи, лейтенант М. Бекжонов жамоаси иккинчи, капитан Б. Хидиров жамоаси эса учинчи бўлишди.

Волейбол баҳслари ҳам ғоят муросасиз кечди. Унда капитан Н. Ортиқов жамоасига тенг келадиган рақиб топилмаган бўлса, катта лейтенант С. Шерқулов ва капитан Б. Файзуллаев жамоалари кейинги ўринларни қўлга киритишди.

Ҳарбий эстафета бўйича беллашувда капитан Н. Ортиқов жамоаси нималарга қодир эканини амалда тўлиқ кўрсата олди. Лейтенант М.Ҳафизов жамоаси иккинчи, майор Р. Носиров жамоаси эса учинчи ўринга муносиб топилдилар.

Умумжамоа ҳисобида капитан Н. Ортиқов жамоаси энг кўп балл тўплади ва қисм ғолиби деб топилди.

Ғолиб жамоалар ва спортчилар қисм қўмондонлигининг фахрий ёрлиғи ҳамда махсус дипломлари билан тақдирланишди.

**Жамшид НИЁЗОВ.**

## «АВТОКЎПКУРАШ» ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

**Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил топганлигининг 17 йиллигини муносиб кутиб олиш мақсадида Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Навоий вилоят кенгаши вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармаси билан ҳамкорликда «Автокўпкураш» спорт мусобақаси вилоят биринчилигини ўтказди.**

Мусобақада 7 та жамоа иштирок этди. Жами тўртта шартни ўз ичига олган қизиқарли баҳслар якунида умумжамоа ҳисобида Навоий автомобиль мактаби жамоаси биринчи, вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармаси жамоаси иккинчи ва Қизилтепа ўқув спорт техника клуби вакиллари учинчи ўринни эгалладилар.

Шахсий биринчиликда вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармаси жамоаси вакили У. Халиловга тенг келадиган рақиб топилмаган бўлса, Навоий автомобиль мактаби жамоаси аъзоси Э. Барноевга иккинчи, Хатирчи туман ўқув-спорт техника клуби аъзоси А. Пўлатовга учинчи ўринлар насиб этди.

Ғолибларга вилоят кенгашининг дипломлари ва қимматбаҳо совғалар, фахрий ёрлиқлар топширилди.

**Р. НАВРЎЗОВ,**
**Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Навоий вилоят кенгаши раиси.**

## ИШТИРОКЧИЛАР КЎП, ҒОЛИБЛАР МАМНУН

**Кўплаб ҳарбий қисм ва бўлинмаларда бўлгани каби офицер Сарвар Аҳмедов хизмат қилаётган ҳарбий жамоада ҳам Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб спорт мусобақаси ўтказилди.**

– Энг севимли байрамимиз арафасидаги спорт беллашувларида иштирок этиш, қолаверса, ғолиб бўлиш жудаям қувонарли, – дейди шартнома бўйича хизмат оддий аскари Ботир Бўриев.

Спортнинг армреслинг, шашка ва шоҳмот, стол тенниси, футбол, волейбол турлари, арқон тортиш, турникда тортилиш, тош кўтариш каби машқларни бажариш бўйича баҳслашган посбонларнинг ҳар бири, ишончимиз комилки, юқоридаги фикрга қўшилади.

Эпчиллик ва куч, ақлу заковат бобидаги беллашувлар муросасиз ва қизиқарли тарзда, муҳими, дўстона рақобат муҳити остида кечди.

– Бир эмас, икки бор ғалаба нашидасини суришга муваффақ бўлдим, – дейди кичик сержант Фарҳод Пардаев. У тош кўтариш ва турникда тортилиш машқларини бажаришда гуруҳда тенгсиз топилди.

Сержантлар корпуси вакилларидан яна бири Дилшод Холмуродов жамоаси эса футбол бўйича қисм чемпиони бўлди.

«Ақл жанги» – шоҳмот мусобақаларининг ҳал қилувчи баҳсида кичик сержант Тўлқин Темиров рақиб «қўшинлари»ни тор-мор этди.

Мусобақаларнинг ғолиб ва совриндорлари қисм қўмондонлигининг Фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Катта лейтенант Учқун САИДНАЗАРОВ.**

# СПОРТ

Шижоат майдони

# УДАЧА УЛЫБНУЛАСЬ «ОМАДУ»

**В канун всенародного праздника – Дня защитников Родины на учебно-тренировочной базе Ташкентского высшего общевойскового командного училища состоялась встреча финалистов телевизионного спортивно-эстафетного конкурса «Шижоат майдони» команд «Омад» из СВВАКИУ и «Лочин» со Специального факультета ТУИТ.**

Обе эти команды в течение прошлого года, пройдя сложное «сито» отборочных соревнований, вышли в финал, доказав тем самым, что на сегодняшний день только «Лочин» и «Омад» являются сильнейшими командами. Как известно, право участия в финале первой завоевала команда «Лочин», одержав в полуфинале уверенную победу над командой «Десантчи». Убедительной в победе над «Фазогиром» из ДВВАУ в полуфинале была команда «Омад».

Финалисты были достойными соперниками. У «Омада» и «Лочина» шансы были практически равными. Поэтому даже опытные представители судейской коллегии и члены жюри перед началом соревнований не брались прогнозировать исход состязаний. В состав жюри входили: судья международной категории, победитель ряда международных турниров по боксу мастер спорта полковник в отставке Рабин Тазетдинов, чемпион Вооруженных Сил судья республиканской категории победитель республиканских и международных соревнований по легкой атлетике мастер спорта младший сержант Владимир Калюжный, судья республиканской категории заслуженный спортсмен Республики Узбекистан двухкратный чемпион Азии по тяжелой атлетике, участник трех Олимпийских игр сержант Игорь Халилов, судья первой категории многократный чемпион Вооруженных Сил и Узбекистана по пулевой стрельбе мастер спорта рядовой по контракту Артем Чернышев, а также начальник отдела ЦС ОСО «Ватанпарвар» Жамшид Хидиров и инструктор ОСО «Ватанпарвар» по пулевой стрельбе Константин Горшков.

Финальные соревнования также проходили по пяти номинациям: ловкость, перетягивание каната, мастерство, сила (армрестлинг) и боевая подготовка. Но в каждой номинации упражнения соответственно финалу были усложнены.

В первой номинации от каждой команды участвовали по шесть представителей. Первый участник должен был 6 раз подтянуться на перекладине, преодолеть три барьера, пройти с баскетбольным мячом через препятствия, второй – пройти с мячом через барьеры и обруч, забросить мяч в корзину, а затем с двумя (24 кг) гирями пробежать через препятствия, третий – выполнить подъем переворотом (3 раза), преодолеть барьеры и пройти через обруч, а затем с баскетбольным мячом преодолеть препятствия и передать эстафету следующему участнику. Четвертому участнику добавились прыжки через «козла», перетаскивания 5 кубиков, причем нужно идти спиной вперед, пятому – выход с силой на перекладине (3 раза), преодоление барьеров и прохождение через обруч. Завершающий должен был преодолеть барьеры и пройти через обруч, с определенной точки совершить бросок мяча в корзину и с этим мячом, преодолевая препятствия, прибежать к своей команде.

В состязаниях на ловкость победу со счетом 9:7 одержала команда «Лочин». Но в следующем этапе конкурса по перетягиванию каната самаркандцы настроились на победу и повели тактически грамотную борьбу. Так, выиграв во втором туре оба подхода, записали в свой актив 4 победных балла и вышли вперед 11:9.

В мастерстве, особенно в выполнении упражнения стрельбы из пневматического пистолета на точность, «Лочин» явно уступил своим соперникам, к тому же спортсмены допустили грубую ошибку. Все это сказалось на итоге: после третьего тура счет составил 21:15 в пользу «Омада».

Лочинцы решили наверстать упущенное в соревнованиях по армрестлингу. В принципе, так и случилось. В противоборстве младшие сержанты Сардор Зокиров, Жасур Суюнов, курсанты Рефат Алиев, Хусан Исоков, Шербек Ганиев, представлявшие «Омад», и младшие сержанты Аброр Исломов, Данил Кизеев, курсанты Жавлон Очилов, Умид Буажонов, Нурмухаммад Отамирзаев, представлявшие «Лочин», со счетом 6:4 выиграли. Тем самым они сократили разрыв в счете.

И в последнем туре в соревнованиях по боевой подготовке вновь сильнее оказались самаркандцы. Таким образом, со счетом 35:28 победила команда «Омад» из СВВАКИУ и стала обладателем главного приза (телевизор «Boss») телевизионного спортивно-эстафетного конкурса «Шижоат майдони».

Тут следует отметить, что большой вклад в успех команды «Омад» внесли также младший сержант Саддин Раджабов, курсанты Бекзод Махмараимов, Санжар Жабборов, Жасурбек Абдувахидов, Нодир Турсунов.

А из «Лочина» были наиболее подготовленными и своей команде приносили необходимые выигрышные баллы курсанты Бахром Шоматов, Абдурашид Каримов, Элиёр Мархаматуллаев, Равшан Джураев и младший сержант Шерзод Таджибоев.

Победителям диплом первой степени, главный приз соревнований от Министерства обороны вручил начальник управления военного образования подполковник Джуманияз Раматов.

За второе место «Лочин» удостоился также приза: телевизор производства «Samsung» и диплом второй степени. Командам были вручены цветы и ценные подарки.

**Майор Хайритдин ЗАЙНИЛОВ,**
**корр. «Ватанпарвара».**









# МАДАНИЯТ

## БАДИИЙ ИЖОДИЁТ КЎРГАЗМАСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА







**Қуролли Кучлар Марказий музейида анъанавий IX Умумармия бадиий ижодиёти кўргазмасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.**

– Ушбу анъанавий кўргазмада ҳаваскорлар, яъни ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари билан бир қаторда муайян тажрибага эга бўлган ижод усталарининг ҳам сара асарлари намойиш этилмоқда, – дейди биз билан суҳбатда Қуролли Кучлар Марказий музейи бошлиғи подполковник Содиқжон Ортиқов. – Ҳар бир инсонда ижодкорлик қобилияти бўлади. Фақаттина уни юзага чиқара олиш керак. Ҳарбийларимиз орасида истеъдодлар кўп. Мазкур кўргазма эса ана шундай истеъдод эгаларини юзага чиқариш билан бирга уларнинг кейинги ижодларига ҳам туртки, илҳом беради, мутахассислар ёрдамида танланган ушбу экспонатлар кўргазма иштирокчиларига манзур бўлади, деган умиддамиз.

Кўргазмалар зали. Ичкарига қадам қўйишингиз билан залнинг чор тарафида намойишга қўйилган тасвирий санъат асарларига, халқ амалий санъати йўналишидаги зардўзлик кийим-кечакларига, кулолчилик буюмларига, турли макетларга кўзингиз тушади. Уларнинг ҳар бирини синчиклаб кузатар экансиз, ижодкорларнинг асарларида миллийликка, анъанавийликка катта эътибор берилганига гувоҳ бўласиз. Айниқса, майор И. Илҳомовнинг гўзалликни тараннум этган туркум асарлари, кичик сержант А. Ражаббоевнинг «Регистон», Қуролли Кучлар хизматчиси Г. Умрқулованинг «Қадимий Самарқанд», «Хива», Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти курсантлари Г. Алиев ва С. Жондавлетовларнинг «Жонажон қишлоғим», «Эски шаҳар», оддий аскар И. Собировнинг «Амир Темур», рассомлар О. Хоречконинг «Қадимий Жомбой», Д. Ткаченконинг «Эски шаҳар», Н. Фирсованинг «Пейзаж» каби тасвирий санъат асарлари, оддий аскар Т. Ботировнинг гипсдан ишланган «Мадраса» макети ва тошга чизилган миниатюралари шу жиҳатлари билан ажралиб туради. Бундан эса ҳарбийларнинг ижодда ҳам юртимиз гўзаллиги ва миллий қадриятларимизни бадиий асарлари орқали муҳаббат билан ифода эта оладиган ноёб истеъдод эгалари эканлигига яна бир бор амин бўласиз. Ҳа, инсоннинг қўли гул. У ўзидаги мана шу юксак қобилият билан ҳаттоки тошда ҳам гул ундиришга қодир бўлади. «Қуёшча» болалар боғчаси тарбиячиси Галина Серкова «Тунги гўзал» деб номланган асарида чиғаноқ бўлакларидан гуллар шаклини ифодалаганини томоша қилиб ана шундай хулосага келдик. Ҳарбий оила бекаси З. Каримованинг Регистон майдони тасвирининг бисер йўналишида акс эттирганлигини кўриб, ижодкорнинг ушбу асарни қанчалик дид билан яратганига шубҳа қилмайсиз. Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Ҳабибжон Мамажоновнинг бетакрор кулолчилик буюмлари ҳам кишининг эътиборини тортади. Ушбу кўргазмада ижодкорнинг йигирмага яқин асарлари намойишга қўйилган.



– Кулолчилик ҳунари менга ота мерос, – дейди у суҳбат чоғида. – Шу боис етти-саккиз ёшимданоқ отамнинг ёнида туриб, шу ҳунарнинг сир-асрорларини ўрганганман. Саккиз йилдан буён мазкур кўргазмада ўз асарларим билан иштирок этиб келаяпман. 2004 йилда мазкур кўргазмада 1-ўринни қўлга киритдим. Бу менга улкан қанот бағишлади. Шу боис ҳар йили мазкур кўргазмада иштирок этиб, томошабинларга ўз асарларимни тақдим этишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман.

Истеъфодаги тиббий хизмат майори Ғайбулла Алиевнинг Ватан манзаралари акс эттирилган тасвирий санъат асарлари ҳам тасвир услубининг бойлиги, ёрқин рангларнинг уйғунлиги билан ажралиб туради. Уларнинг барида гўзаллик ва нафосат уфуриб турибди. Ғайбулла Алиев ҳам ҳар йили кўргазмада фахрий иштирокчи сифатида қатнашади.

– Кўргазмада она табиат манзаралари акс эттирилган асарларим билан иштирок этаяпман, – дейди Ғ. Алиев. – Дунёда она Ватан туйғусидан улуғроқ туйғу бўлмаса керак. Инсон қаерда бўлмасин, туғилиб ўсган юртига талпинади, уни соғинади, жон қадар азиз билади. Мен ҳам юртимни севаман. Унинг гўзаллигидан илҳом оламан. Асарларимда ҳам юртим гўзаллигини, унинг табиатини тараннум этаман.

Шу ўринда кўргазмада иштирок этаётган ҳарбий оила фарзандларининг ижодий ишларини алоҳида таъкидлаб ўтишни жоиз деб билдик. Масалан, Темур Алимов, Зарина Абдуллаева, Шуҳрат Багиров, Элина Миргалаутдинова, Амир Исматуллаевларнинг турли йўналишдаги бадиий ишларида Ватанга бўлган юксак муҳаббат ва садоқат туйғуларининг ўзига хос тарзда кўрсатиб берилгани диққатга сазовордир.

– Кўргазмага қўйилган асарларни катта қизиқиш билан томоша қилдим, – дейди Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти 2-курс курсанти Фарҳод Темиров. – Айниқса ёғоч ўймакорлиги намуналари жуда манзур бўлди. Чунки мен ҳам ушбу амалий санъат турига қизиқаман. Ўймакорлар томонидан яратилган ҳар бир асар мени ўзига мафтун қилади. Шу боис кўргазмага келиб энг аввало ўймакорлик буюмлари билан танишдим. Маъруф Бадаловнинг кулолчилик асарларини ҳам ана шундай иштиёқ билан томоша қилдим ва олам-олам завқ олдим.

– Бу йил мен ҳам ушбу кўргазмада қатнашишга муяссар бўлдим, – дейди кўргазма иштирокчиси оддий аскар Темур Ботиров. – Кўргазмадан гипсдан ва ёғочдан ясалган буюмларим билан бир қаторда, тасвирий санъат асарларим ҳам жой олган. Ёшлигимдан ҳунар ўрганишга қизиққаним боис туманимизда ташкил қилинган «Иқтидорли ёшлар» тўгарагига аъзо бўлганман. Мана шу тўгаракда устозим Абдуқаҳҳор Қодировдан амалий санъат бўйича сабоқ олдим. Ўрганганларим асосида мустақил ижод қилдим. Кўриб турганингиздек, бугун ўз ижод намуналаримни катта хурсандчилик билан намойиш этмоқдаман.

Ҳа, янги-янги истеъдодларни, ижодкорларни кашф этаётган, уларни ранг-баранг асарлар яратишга ундаётган мазкур анъанавий ижодиёт кўргазмаси нафақат Ватан посбонлари, балки бу ерга ташриф буюрган барча томошабинларда катта таассурот қолдирди.

**Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА.**
**Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.**

## САНЪАТКОРЛАР ПОСБОНЛАРНИ ҚУТЛАЙДИ





**14 январь – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан жойларда байрам тадбирлари кўтаринки руҳда нишонланаяпти.**

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-услубий маркази билан ҳамкорликда офицерлар уйида «Миллий армиямиз – мустақиллигимиз таянчи» деб номланган адабий-мусиқий тадбир бўлиб ўтди.

Унда қисм шахсий таркиби ва уларнинг оила аъзолари, қатор давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этишди ҳамда эстрада хонандалари томонидан ижро этилган куй ва қўшиқ, рақс гулдасталаридан баҳраманд бўлишди.

Байрамона тарзда безатилган саҳна тўрига «Ўзбекистон лочинларига шон-шарафлар» деб номланган шиор осилган. Саҳнага давраниi файзли қилиб олиб бориш учун Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, севимли актёримиз Фатхулла Маъсудов кириб келди.

**Ўзбекистон мард ўғлонлари,**
**Баҳодиру паҳлавонлари,**
**Тинчлигимиз чин посбонлари,**
**Байрамингиз бўлсин муборак!**

Кўтаринки кайфиятда бошланган тантанани Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Озодбек Назарбеков ўзининг дилтортар қўшиқлари ила давом эттирди.

– Бугунги шодиёна барчага бирдай манзур бўлаётганига ишончим комил, – дейди тадбир ташкилотчиси Зебо Абдуллаева. – Ватанимизнинг мустаҳкам ва ишончли қалқони ҳисобланмиш ҳарбийларимиз доимо бизнинг эътиборимизда. Ҳарбий хизматни шараф билиб, ўз йигитлик бурчини ўтаётган аскарларни, уларга таълим-тарбия бераётган офицер ва сержантларни бугунги касб байрамлари билан чин қалбдан табриклайман. Улар ҳамиша биз аёлларнинг, оналарнинг ардоғимизда бўлишади.

Саҳнага «Янги аср авлоди» нашриёти бош муҳаррири, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, қашқадарёлик шоир Амир Худойберди таклиф этилди. У она Ватанни, ҳарбийларни мадҳ этувчи шеърлари билан иштирокчилар қалбига хуш кайфият бағишлади.

– Бугун илк бор хизматда Ватан ҳимоячилари кунини кутиб олаяпман, – дейди оддий аскар Муродил Маликов. – Хушовоз хонандалар томонидан ижро этилаётган қўшиқлар руҳимга ўзгача бир енгиллик, тароват бахш этаяпти. Фурсатдан фойдаланиб, бизга ҳарб илмидан сабоқ бераётган устозларимни, сафдошларимни байрам билан қутлаб қоламан.

Эл севган «Ҳандалак» гуруҳи ижодкорлари тайёрлаб келган қизиқарли саҳна кўринишлари, латифа ва хандалар қатнашчиларга олам-олам завқ бахш этди.

– Бугун фарзандларимиз билан кўнгилдан ҳордиқ чиқараяпмиз, – дейди сержант Элмурод Худойқуловнинг рафиқаси Гулшан Ҳалимова. – Ватан ҳимоячилари кунини фарзандларимиз билан интизор бўлиб кутамиз. Турмуш ўртоғимнинг ҳарбий соҳада фаолият кўрсатиб, эл-юрт ардоғида бўлиб келаётганидан фахрланаман. Байрам билан бутун халқимизни ва ҳарбийларимизни самимий муборакбод этаман.

Концерт дастурини ёш эстрада хонандаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Феруза Жуманиёзова ўзининг бетакрор ва жозибадор қўшиқлари билан якунлади.

Тадбир сўнггида бугунги тантанани ташкиллаштирган, посбонлар руҳиятини кўтарган хонандаларга офицер Ҳикмат Насриддинов шахсий таркиб номидан миннатдорчилик билдириб, уларни Фахрий ёрлиқ билан тақдирлади.

**Аҳрор ОЧИЛОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**
**Муаллиф суратга олган.**

**ВАТАНПАРВАР**

Муассис – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги | Учредитель – Министерство обороны Республики Узбекистан

**МУАССИС КЕНГАШИ: Тоҳир ҲАМРОҚУЛОВ** – кенгаш раиси, **Раҳимжон НУРНАЗАРОВ, Баҳодир АЗИМОВ, Алишер МУИНОВ, Нурмуҳаммад МУЛЛАБОЕВ, Шуҳрат ТЎХТАЕВ, Абдусаттор ЭРГАШЕВ, Қурбон АМИНЖОНОВ.**

**Бош муҳаррир подполковник К. МИРГАЛАУТДИНОВ.**
**Шу сонга масъуллар: майор А. УСМОНОВ, майор Х. ЗАЙНИЛОВ.**

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган. ISSN 2010-5541.

**Телефонлар:** навбатчи – 256 09 81; обуна бўлими – 256 03 46. **Факс:** 256 17 98.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида **Р. Ислакаев ва З. Хошимов** томонидан саҳифаланди.

**Газета жума куни чиқади.** | **Адади** 27600.
**Нашр кўрсаткичи** 114. | **Буюртма** № J-6729.